Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 31 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 56 (6753)

Даъват

Мустақиллигимизни, давлатчилигимизни мустаҳкамлаш учун, иқтисодиётимизнинг истиқболи, эркин бозор йўлини изчил давом эттириш учун курашайлик.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

Бухоро вилояти болалар жамғармаси бўлими Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги арафасида туманлардаги етим-есир ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 30 минг сўмлик кийим-кечак ва ўқув қуроллари ҳадя этди.

Муҳаррир минбари

МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ

Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланмоқда. Ҳар томонлама сўзини алоҳида таъкидлашга асосларимиз кўп, зеро мустақил давлат сиёсатида иқтисод бирламчи дейилиб, маънавият ундан паст даражада қўйилмади. Бунга, аввало, юртбошимизнинг айтган сўзлари асос бўлди: «Маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради». Буни давлат миқёсида амалга оширилаётган ишларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, юртимиз ҳурриятга эришгандан сўнг халқ, айниқса, халқ зиёлилари олдида бир неча вазифа вужудга келди. Аввало «социализм»нинг хаёлий тузум эканлиги ва унинг бизга мажбуран сингдирилганлиги очилди. Бозор иқтисодиётига қадам қўйилди. Демак, бу тизимни ўрганиш лозим эди, бу биринчидан. Иккинчидан эса миллат ўз ўтмишидан жудо қилингани ҳам аён бўлди, демак тарихни тиклаш, боболар меросини ўрганиш керак. Лекин бугунги дунё тараққиётини ўрганмаслик ва унинг энг ривожланган, ўзимизга хос жиҳатларини олмаслик бизни ўз қобиғимизга ўралиб қолишга олиб келиши муқаррар эди. Худди шу тарихни ўрганиб, ўзликни англаш, дунёни ўрганиб, тараққиётни англаш — бунинг натижаси ўлароқ иқтисодий жиҳатдан бақувват, маънавияти гўзал фуқароси бўлган давлат қуриш асосий вазифа эди. Ва бу иш осон эмас эди. Ахир мустамлакачилар еримизни хомашё базаси сифатида тасарруф этган бўлса, аҳолини иймонидан айириб, қўрқинч исканжасида асраган эди... ва кимлардир бу яқин йигирма-ўттиз йилда Ўзбекистонда иқтисодий кўтарилиш бўлмаслигини ҳам айтишганди.

Бироқ мустақилликнинг 5 йиллик тўйи арафасида Ўзбекистон Президентининг ярим йиллик якунига доир нутқида шундай сўзлар янгради: «1996 йилнинг дастлабки ярим йили якунлари том маънода ҳаётимизда туб бурилиш юз бергани ва иқтисодиётимизнинг жадал ўсиш даври бошланганини кўрсатмоқда».

Келтирилган ва ўтган йилга қиёс қилинган рақамлар ҳақиқатан ҳам иқтисодиётда жадал ўсиш бўлганлигига асос бўла олади. Пул муомаласи мустаҳкамланди... Миллий валютамиз — сўмимиз мустаҳкамланди... Ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичи ошди... Асакада биринчи машина заводи қурилди... Санайверсак яхши ишлар кўп. Лекин эндигина бошланган бўлса-да, мамлакат тарихида чуқур из қолдирадиган яна бир ишни алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ҳукуматнинг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги қарори бу борада тузилган режа бўйича амалга оширилаётган ишлардир. Нега бу қарор Ўзбекистон тарихида из қолдиради, деяпман. Бир мисол. Малайзиядан келган бир меҳмон билан мулоқотда бўлганимда, уларнинг тарихида бир доғ мавжудлигини айтиб қолди. Яъни улар мустақилликка эришгач, асосий эътибор шаҳарларга берилгани, маҳаллий аҳоли эса қишлоқда яшаши ва улар эътибордан четда бўлиб қолганлиги, бунинг натижасида турмуш даражаси пасайиб кетганлиги, илм олиш, ўқишга рағбат йўқолганлиги оқибатида шаҳар ва қишлоқ ўртасида тафовут пайдо бўлган. Ўзбекистонда эса юқоридаги қарор ва унинг ижроси бундай хавотирнинг олдини олади. Қишлоқ аҳолисининг соғлиги, илм олишга, ишлаши учун бугун шароитлар яратиляпти. Деҳқоннинг ерга эгалик қилиши, бозорга чиқиши аста-секин осонлашяпти, медпунктлар, тўхтаб қолган мактаблар қурилиши давом эттириляпти. Энди ҳамма гап қарор ижросининг охиригача назорат остига олинишида қолди. Ишонамизки бу иш ҳам тўлиқ амалга ошади.

Иқтисоддан яхши фойдаланилган жойда маънавият кўтарилиши юз беради. Дейлик, Алишер Навоий ёки Мирзо Улуғбек бадиий ва илмий асарларини иқтисоди бақувват шароитда яшаганликлари боис яратганлар.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда, хусусан, юртбошимизнинг унда сўзлаган нутқида амалга оширилган ишлар билан бирга келажакдаги ишлар муҳокама қилиниб, режалар ҳам тузилдики, у халқ ҳаёти даражасининг кўтарилишига хизмат қилади. Бугун эса Ўзбекистон иқтисодиётида жадал суратда ўсиш бошланганидан хурсанд бўладиган даврдир. Бунда барча, хусусан, халқ зиёлиларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ахир Ўзбекистон Президенти қуйидаги сўзларни чин дилдан айтди: «Бугун мен, мана шу юксак минбардан туриб, халқимизга қилган меҳнатлари учун, тоғдай бардоши учун, қийинчиликлар вақтинчалик эканини тушунгани учун, мустақиллигимиз ва тикланиш йилларида қилиб улгурган ишларимизни қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик учун, Ўзбекистоннинг буюк келажаги ва фарзандларимизнинг келажаги ва камолоти учун қилаётган меҳнати учун халқимизга таъзим бажо келтиришга ижозат бергайсиз».

ЭРТАГА — АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ТЕСТ СИНОВЛАРИ КУНИ!

ТАЛАБГОРЛАР КЎПАЙДИ

Бугун республикамизнинг барча олий ўқув юртлари зиналарида минглаб йигит-қизлар саноқли соатлар қолган онларни — имтиҳонларни ҳаяжон ила кутишмоқда.

Ўтган йили биз бугун қаерга қўйишимизни билмай опичлаб юрган тест синовларининг ҳали ҳеч ким илғаб улгурмаган қулай эшикларидан баъзи «ишбилармон» абитуриентлар осонгина кириб кетишга ҳаракат қилишганди. Бироқ бу «ишбилармонлар»нинг кейинги қисматини яхши биласиз.

Бугун мустақил мамлакатимизнинг барча жабҳаларида бўлганидек, таълим тизими соҳасида ҳам кескин ўзгаришлар, янгиликлар кашф этилаяпти. Хусусан, сўнгги йилларда барча олий ўқув юртларига кирувчиларни тест синовлари асосида қабул қилиш ёшларда билимдонликни оширишнинг яна бир йўли бўлди. Энди ҳар ким илгаригидек билимни чўнтакка эмас, каллага жойлаб келадиган бўлди. Бу йилги бўлиб ўтадиган кириш имтиҳонларининг ҳар томонлама хавфсизлигини тўлиқ таъминлади, десак хато бўлмайди.

Ҳа, тест синови асосида ҳалоллик билан ўқишга кириш мумкинлигини бугун кўпчилик яхши англаб етди. Шундан бўлса керакки, республикамиз миқёсида фақатгина педагогика институтларига абитуриентлар томонидан ўтган йили 11667 та ариза тушган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 13098 тани ташкил этди.

Дарҳақиқат, биласизми, аслида ҳар қандай шахсий манфаат орқасида ўша шахснинг ўзи илғамаган умум бир манфаат ҳам йўқ эмас. Бугунги ўзини ўтга-чўққа уриб, ўз обрўйи учун тун бўйи мижжа қоқмай китоб ўқиётган абитуриент эртага озод Ватанимизнинг хизматкоридир.

Омад сизга ёр бўлсин, келажак дастёрлари!

Алишер НАЗАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

«КАЛИТ»НИ БИЛИМДОН ТОПАДИ

Инсоният тараққиёт сари илдамлар экан, унинг олдидаги энг асосий мақсадлардан бири — ҳақиқатга етишиш, уни англай билиш. Шу маънода ўтган йилдан буён республикамиз олий ўқув юртларига талабалар тест синовлари асосида танлаб олина бошлаганлигини ҳам бу борадаги интилиш дея баҳоласак бўлади.

Хўш, 1995 йилги тест синовлари жараёнида содир этилган айрим камчиликлар, кўзбуямачиликлар бу йил ҳам такрорланмаслиги учун нима ишлар қилинди? Чиқарилган хулосалар асосида қандай ўзгаришлар ва янгиликлар киритилди? Шу каби саволларга Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест Маркази бошлиғи Муҳсин Муҳиддинов жавоб беради:

— Республикамизда тест синовлари эндигина пайдо бўлиб, ривож топаётганлигини назарда тутиб, биз ишни ўқитувчиларга, ўқувчиларга унинг технологиясини тушунтиришдан бошладик. Оммавий ахборот воситаларида, матбуотда бу борада кўп чиқишлар қилинди. Айниқса, Марказиси

(Давоми 2-бетда)

Ҳамза туманидаги 198-мактабда «Лола» мактабларо соғломлаштириш лагери фаолият кўрсатмоқда. Лагерда мириқиб дам олаётган болалар турли мусобақаларда, конкурс ва викториналарда иштирок этишади, экскурсияларга чиқиб туришади.
СУРАТДА: тарбиячи Умида АБДИЕВА болалар билан.
Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ҳайъат йиғилишида

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлисида кун тартибидаги икки асосий масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикалари ҳамкорлигида ташкил этилган лицейларда давлат дастурларининг бажарилиш аҳволи ҳамда ўқувчиларнинг билим даражалари тўғрисида»ги биринчи масала юзасидан Р. Аҳлиддиновнинг ахбороти тингланди.

Бу борада ҳамкорлик лицейларида амалга оширилган ибратли ишлар алоҳида таъкидланди. Ўқув жараёни таҳлил қилинган лицейларда ўқувчилар дастур материалларини яхши ўзлаштираётганлари кузатилган. Айниқса, инглиз тили ҳамда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанларидан умумий ўзлаштириш 100 фоизни, сифат кўрсаткич эса 97 фоизни ташкил қилган. Математика, физика, химия ва биология фанлари бўйича ўқувчилар 97—99 фоиз умумий ўзлаштириш ҳамда 85—89 фоиз сифат кўрсаткичга эришганлар. Бунга Наманган, Фарғона ва Самарқанддаги лицейлар ўрнак сифатида кўрсатилди.

Шунингдек, мукаммаллаштирилиши лозим бўлган қатор масалалар ҳам кенг муҳокама қилинди. Масалан, Нукус лицейи ўқувчилари математикадан 57 фоиз, химиядан 58 фоиз сифат натижалари кўрсатганлар. Ёхуд Хоразмдаги лицейнинг қабул тизимидаги камчиликлар туфайли айрим ўқувчиларнинг ўзлаштириши паст бўлган. Муҳокамада ана шу кўрсаткичларнинг сабаблари таҳлил этилди. Уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар белгиланиб, махсус қарор қабул қилинди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган иккинчи масала — «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими муассасаларида янги 1996—1997 ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарликнинг бориши ҳақида» Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари М. СУЛТОНОВ ахбороти эшитилди.

Бу борада ҳам маълум ишлар амалга оширилгани ва айни кунда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари давом этаётганлиги айтилди. Лекин айрим жойлардан олинган рапортларнинг юзаки эканлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Ҳали янги ўқув йилига тайёргарлик учун вақт оз бўлса-да, бор. Барча мактаб ва билим юртлари мутасаддилари мазкур ишларга яна бир бор эътибор беришлари лозим.

Мазкур масала бўйича ҳам ҳайъат мажлиси қарор қабул қилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича қатъий чора-тадбирлар ишлаб чиқди.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз!

«БЎЛАДИ»НИ БЎЛДИРИШ КЕРАК

Маълумингизки, Халқ таълими вазирлигининг янги ўқув йили ва кузги-қишки мавсумга тайёргарликни назорат қилиш штаби аъзоларининг фаолияти давом этмоқда. Утган шанба куни ҳам штаб навбатдаги манзиллар остонасига уз муҳрини босиб қайтди.

Аввалги манзил республика мусиқа мактаб-интернати. Бизни ўқув даргоҳи директори М. Каримова кутиб олди. Даставвал, мактаб-интернат ҳовлиси айланиб чиқилди. Тўрт йил олдин бу ерлар тап-тақир ер бўлганига ишониш қийин. Чунки ҳозир ҳар қаричи қукаламзор. Мевалар шиғил тугиб етибди. Анча меҳнат қилинганини ҳамма баравар эътироф этди. Фақат сув сал танқисроқ экан. Бу муаммони ҳал этиш борасида кўрсатмалар берилди. Интернат ўқув хоналари ҳамда ётоқхоналари ҳам тартибли. Умуман, штаб аъзоларида яхши таассурот қолдирди. Керакли ўқув қўлланмаларининг қарийб ҳаммаси олинибди. Мактаб-интернатда 200 дан зиёд ўқувчи ўқир экан. Бу ерда, асосан, пуфлаб чалинадиган асбоблар оркестри мавжуд. Ўқув биноси эса кенг-мўл. Шу боис, миллий мусиқа асбобларини ўргатувчи синфлар очиш тўғрисида таклифлар бўлди.

Дунёда тасаввур билан ҳаққоният ҳеч қачон мос келган эмас. Иккаласининг уйғун келиши ҳаётнинг туб моҳияти узгаргани, демак. Республика Нафис санъат лицейи юртимиздаги донгдор масканлардан. Бу донгнинг шувури бизнинг қулоғимизга ҳам уз садосини қолдирган эди. Тасаввуримизда бу даргоҳнинг ажиб сувратини чизиб, лицейга кириб келдик. Ётоқхонага бош суқамиз. Тўрт қаватли бинонинг қарийбки ҳамма қавати тузиб етибди. Поллар кучириб олинган. Таъмир ҳам энди бошланган куринади. Ишнинг сурьати тугул таъмирловчиларнинг узи ҳам куринмайди. Директор С. Султонов 15 августгача лицей янги ўқув йи-

(Давоми 3-бетда)

ФИЗИКЛАР ИТТИФОҚИ

Россия ҳукумати рус физикларининг Швейцариядаги Европа физик тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликларини янги поғонага кўтарди. Россия томонидан ҳам таъминланаётган шартномалар асосида муҳим тадқиқотлар ўтказиш ҳамда янгиликлар яратиш кўзда тутилган.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

СОЧ — АҚЛ БЕЛГИСИ

АҚШнинг Иллинойс штатилик доктор Айкаруди Элиос қатор текширувлардан сўнг шундай хулосага келди. Унинг фикрича кимнинг бошида, кўкрагида ва айниқса елкасида толалар қалин бўлса, ўша одамнинг ақлий қобилияти кучли бўларкан.

САЁҲАТЧИ ОЛИМ

Миклухо Маклайнинг туғилганига 150 йил тўлиши муносабати билан Австралиянинг Сидней шаҳрида битта кўча ва кичик бир истироҳат боғи унинг номи билан аталадиган бўлди. Олим бу ерларда ўн йилга яқин фаолият кўрсатган. Россия маданият вазири Е. Сидоров Сидней университетига саёҳатчининг бюстини етказиб берди.

КОЛУМБНИНГ САЁҲАТИ НИМА БЎПТИ

Японияннинг ун тўрт ёшли ўқувчиси Сабару Такахаши узининг «Устунлик» номли яхтасида Тинч океани бўйлаб сўлгиз сафарга чиқди. У Токиодан Сан-Францискогача эллик кун мобайнида 8288 километр йўл босиб ўтиши керак. Дарвоқе, унинг «кемаси» замонавий техника билан тўла таъминланган.

СИЗДАН УГИНА...

АҚШ парламенти ишчилар учун солиқни камайтириш ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиқишга киришди. Бунинг учун ишчиларнинг хўжайинлари уларнинг коллежларда малакаларини ошириш учун кетадиган харажатларни ўз зиммаларига олишлари керак.

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ — 60 ЁШДА!

3-саҳифага қаранг.

МАРКЕТИНГ НИМА? ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГЧИ?

Бу хусусда «Иқтисодиёт сабоқлари» рукнидаги мақоладан билиб оласиз (3-бет).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясини 1996 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

❀ Яқинда республика давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасида БМТ билан ҳамкорликда хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва шахсий секторни янада ривожлантиришга оид лойиҳа ҳужжати имзоланди.

❀ Туркиянинг «ЭКА» — Иқтисодий хабарлар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга сафари тўғрисида «ЭКА Интернешнл» журналининг махсус сонини инглиз тилида чоп этди.

❀ «ЎзДЭУавто» корхонасининг тақдиномасидан сўнг, «Сервиз» марказида «Асакабанк» Андижон филиали орқали автомобиллар сотиш йўлга қўйилди. Дарвоқе, шаҳрихонлик Авазбек Қодировга «Дамас» автомобилининг биринчи харидори бўлиш насиб этди.

❀ Р. Вяхирев бошчилигидаги Россия делегацияси НИШ-Пояте-Димитровград йўналишида газ қувурлари ётқизиш масаласида Сербия премьер министри М. Марьянович билан бўлиб ўтган Белградда музокараларда қатъий келишиб олди.

❀ Америка ҳукумати Босниянинг биргаликдаги мусулмон-хорват армиясини қурол билан таъминлай бошлади. Маълумотларга қараганда, Боснияга яқин келажакда ярим млрд доллар миқдорига тенг қурол олиб кирилиши керак.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

КУН ТАРТИБИДА ҚИШЛОҚ МАКТАБИ

Қарши шаҳрида вилоят халқ таълими ходимларининг навбатдан ташқари ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматулла Мусурмонов бошқарди. Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорини маҳаллий шароитга тадбиқ этган ҳолда ўрганишиб, қилиниши лозим бўлган ишларни режалаштириб олдилар.

Ҳайъат йиғилишида ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш гуруҳи тузилиб, гуруҳ аъзоларига бир ой муддат ичида қатъий режа ва амалий тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Нукус шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Абдулла Орипов қорақалпоқ ижодкорлари билан учрашди. Учрашув давомида А. Орипов Америка сафари таассуротлари ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Йиғилишда сўзга чиққан шоир ва ёзувчилардан Т. Қаипберганов, И. Юсупов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг АҚШга қилган сафари буюк тарихий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлашди.

КАТТА УМИД БЎСАҒАСИ

Одам боласи, барибир умидсиз туролмас экан-да! Елиб-югуришларимизнинг барчаси эса яшаб турган ҳар бир палламиз учун бир мадад, холос.

Шаҳрисабз туманидаги 28-ҳунар билим юртига ҳужжат топширган 300 дан зиёд ёшлар ҳам орзунинг илк ҳаяжонларини қалбларида туйишмоқда. Шуниси қувонарлики, билим юртини тугатганлар ошпаз, тарбиячи, қандолатчи, автомобиль созловчиси, сотувчи, ҳисобчи ва ЭҲМ оператори каби касб-ҳунарларнинг эгаси бўладилар.

Дарвоқе, билим юртида ҳам қабул итмиҳонлари фақат тест синовлари асосида бўлиб ўтади.

МУАЛЛИФЛАР: Абдували ОБИДДИНОВ, Ғойиб ЁҚУБОВ.

Расмий бўлим

КАСБ БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК

Мустақил Ўзбекистон келажаги кўп жиҳатдан бугун камол топаётган ёш авлоднинг таълим ва тарбия олишига, ўзида ватанпарварлик, элсеварлик, ишбилармонлик фазилатларини тўлиқ шакллантиришига боғлиқдир. Бунда уларнинг устоз мураббийлари — халқ таълими ходимларининг ҳиссаси, шубҳасиз, каттадир.

Ёшларни камол топтиришдек, уларга таълим-тарбия беришдек шарафли вазифани адо этишда бугунги кунда республикамиз халқ таълими тизимида қарийб ярим миллионлик педагоглар жамоаси самарали меҳнат қилмоқда. Улар мактаб ислоҳотини амалга ошира бориб, таълим жараёнига янги технологияларни татбиқ этиб, ёшларга мустақиллик мафкурасини сингдириш ва Ўзбекистон тараққиёти тамойилларини кенг тарғиб қилишга, ўқувчилар билим савиясини янада кўтаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда, обрў-эътиборлари ошишига, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимояланишига мунтазам ғамхўрлик қилинаётир.

Мамлакатимизда Халқ таълими ходимлари кунининг жорий этилганлиги ва мунтазам ўтказиб борилаётганлиги ана шу қадрланишнинг яққол тимсолларидан биридир. Бу йил республикамиз халқ таълими тизимидаги педагоглар жамоалари ўз касб байрамларини тўртинчи бор нишонлайдилар. Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Халқ таълими ходимлари кунини ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилди.

Ҳужжатда таъкидланганидек, бу касб байрами тантаналари Ватанимиз мустақиллигининг 5 йиллиги нишонланадиган йилнинг 4 октябрида тантанали, уюшқоқлик билан ўтказилади. Мазкур буйруқ билан касб байрамини ўтказишга доир ишлаб чиқилган тадбирлар тасдиқланди. Бу тадбирларга кўра шаҳар ва туманларда педагогларнинг тантанали байрам маросимлари ташкил қилинади, эсда қоларли учрашувлар, давра суҳбатлари, байрам концертлари бўлади. Алоҳида ўрнак кўрсатган педагог ходимлар давлат мукофотлари ҳамда вазирликнинг тармоқ мукофотлари билан тақдирланишлари кўзда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, халқ таълими, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, олий ва ўрта махсус таълим педагогика ўқув юртлари, шунингдек вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотларига Халқ таълими ходимлари кунини нишонлаш бўйича ўз тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди. Бу тадбирларда таълим-тарбия муассасаларида, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳамда вилоят бошқармаларида касб байрами кунига бағишланган тантанали йиғилишларини ўтказиш, маҳаллий матбуот ва оммавий ахборот воситаларида мазкур санага бағишлаган мақолалар билан чиқиш, уларда эришилган ютуқлар ва муаммоларни таҳлил этиш, янги технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш ҳамда иқтисодий таълимини амалга ошириш масалаларини кенг ёритиш акс этиши лозим. Шунингдек, жойлардаги ҳокимлар, касаба уюшмалари қўмиталари, халқ таълими вилоят ва туман (шаҳар) бошқаруви томонидан ёшларга таълим-тарбия беришда юқори натижаларга эришган педагогларни тақдирлаш ва рағбатлантиришга ҳам эътиборни қаратиш керак.

Шунга эришиш лозимки, халқ таълими ходимларининг бу йил нишонланадиган касб байрамлари ҳам уларнинг ёш авлодни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтиришдек шарафли ва масъулиятли ишда ташаббускорлигини оширсин, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшишга куч-ғайратларини сафарбар этсин.

«КАЛИТ»НИ БИЛИМДОН ТОПАДИ

(Боши 1-бетда)

миз нашри бўлган — «Ахборотнома»ни чоп этишни йўлга қўйганимиз катта ютуғимиз бўлди. Унинг 15 та сонида бу йил олий ўқув юртларига кириш учун бўладиган тест синовларида тушадиган ўрта умумтаълимнинг барча фанлардан саволлар мажмуи берилди. Бу эса абитуриентларга синовларга тайёрланишда муҳим қўлланма бўлди.

Бу йилги тест синовларининг ўзига хос жиҳатларини санаб ўтадиган бўлсак, улар талайгина. **Биринчидан,** ўтган йили 2-3 вариант бўлган бўлса, бу йилгисида кўп вариантлилик тизимига ўтилди. Бунинг учун биз патент идорасидан махсус рухсатнома олдик. Бу тизимнинг қулайлиги шундаки, масалан, аудиторияда 20 нафар абитуриент ўтирган бўлса, уларнинг ҳар бири ўз вариантларини ечишади. Кўчирмачиликнинг олди олинади. Бу вариантлар компьютер ёрдамида саволлар мураккаблиги даражаси эътиборга олинган ҳолда тузилган.

Иккинчидан, ушбу вариантлар чеккада, яъни бошқа ташкилотда эмас, ўзимизнинг кичик босмахонада тузилди. Бу тадбир, ўтган йилдагидек вариантларнинг нопок кимсалар қўлига тушиб қолиши йўлини беркитди.

Учинчидан, абитуриентларни гуруҳларга ажратиш ҳам компьютер орқали амалга ошириладиган бўлди. Бунда, албатта, ўрта мактабни 1995 йилда тугатганлар, 1996 йилда тугатганлар, шартнома бўйича кирувчилар алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратилади.

Тўртинчидан, жавоб варақаларини тўлиқ компьютер ўқиб, натижасини айтади. Биз бу жараённи видеосуратга олиб, ҳужжат сифатида сақлаймиз. Тест синовлари ўтиб, натижалар эълон қилингач, хоҳлаган абитуриент ўз қўли билан тўлдирган жавоб варақасини калитлари билан кўриши мумкин.

Дарвоқе, тест синовлари арафасида тест саволлари калити чиққан эмиш, деган миш-мишлар тарқалади. Аслини олганда саволларга берилган жавоблар вариантларининг бири тўғри жавоб — калитдир. Уни топиш учун эса абитуриентда етарли билим ва ақл бўлиши керак. Тестдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу.

Хуллас, бу йил олий ўқув юртларига талабалар танлаш учун бўлиб ўтадиган тест синовларининг ҳаққоний, холис ва тартибли ўтишини таъминлаш борасида барча имкониятлар, кучлар сафарбар этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз билимларини олий ўқув юртларида оширишни ихтиёр этган укаларимга, сингилларимга сергаклик ва албатта, омад ёр бўлишини тилайман!

Халқ таълими фидойилари

БИР ЁҒДУНИНГ МИНГ ЖИЛВАСИ

Томчида нур жилваланади. Унинг китобини қўлимга олганимда катта ҳаёт сабоғини ўтаган моҳир педагог ва раҳбарнинг бутун борлиги сатрларда нур мисол акс этгандек туюлади менга. Китоб «Одамийлик сабоқлари» деб аталган. У «Ўқитувчи» нашриётида 5 минг нусхада чоп этилиб, бугунги кунда Сирдарё вилоятидаги деярли барча мактабларда одобнома дарсларида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Қўлланма муаллифини эҳтимол сиз ҳам яхши танирсиз. У—Илёс ака Худойбердиев. Илёс акани «Оқ олтин» туманидаги Бобур номли фермер хўжалигидагина эмас, балки бутун Сирдарё вилоятидаги халқ таълими муассасалари тизимида ижодкор педагог, моҳир ташкилотчи мактаб раҳбари сифатида кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Илёс ака она тили ва адабиётидан ёш авлодга сабоқ беради. У ҳар бир дарсда таълим мазмунигагина эмас, балки тарбиявий аҳамиятга ҳам эътиборни қаратади. Унинг дарсларини ҳамкасблари кўпинча ноанъанавий ижод дарси, намуна дарси сифатида фахр билан тилга оладилар.

Илёс Худойбердиев 20 йилдан бери 16-ўрта мактаб жамоасини бошқариб келмоқда. Директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай бўлади, деган халқ нақлини айни шу билим масканида кўриш мумкин. Педагоглар учун тўла ижодий муҳит яратилган. Аҳиллик, янгиликларга интилиш, таълим сифатининг манбаи бўлмоқда. Шу туфайли мактаб тумандагина эмас, вилоятда ҳам кўзга кўринган таълим-тарбия ўчоқларидан бири саналади. Мактаб ўқув-моддий базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Янги замонавий бинога кўчиб ўтилган. Бу ердаги фан кабинетлари деярли намунали безатилган, таълимнинг техника воситаларига эга. Мактаб хоналарини яхши сақланганлиги сабабли бу йил таъмир ишлари ҳам қисқа муддатда сифатли адо этилди. Янги ўқув йилига тайёргарликнинг бошқа ишлари—ўқувчиларни 1-синфга жалб этиш, синфларни комплектлаш, дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш ҳамда қишқи мавсумга ҳозирлик масалалари тўла ҳал этилди. Мактаб педагоглари август кенгашларига маърузаларини ҳозирлаб қўйганлар. Бу борада директорнинг ўзи намунадир. Чунки Илёс Худойбердиев республика педагогик ўқишларида узлуксиз қатнашиб, ғолиблик ўринларини эгаллаб, август кенгашларида ҳам янги масалаларни кўтариб чиқишга одатланган. У раҳбарлигидаги педагоглар ҳам устоз изидан бормоқдалар.



Илёс ака ўқитувчилар сулоласининг сарбони. Унинг турмуш ўртоғи Халима опа ҳам ўқитувчи, ҳам қаҳрамон она. Бу оилада тарбияланган фарзандлардан Ёлқин, Гавҳар, Зиёда ва Ферузалар ҳам ота-она касбини танлашиб, ёш авлодга билим бериш ва тарбиялашда фаол қатнашиб келмоқдалар.

—Касбингни эъзозласанг, элнинг ҳурматига эришасан,—дейди Илёс ака. Ҳа, шу туфайли ҳам Илёс ака обрў-эътибор, қадр топиб келяпти. Ў. Ҳалқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи, моҳир мураббий ва ташкилотчи мактаб директоридир. Бугунги кунда ўзи орттирган катта тажриба мактабида ёш муаллимларни ҳам тарбиялаяпти. Бир ёғдунинг минг жилваси деганимизнинг мазмуни ҳам, бизнингча, ана шу.

М. РАҲМОНОВ.

Суратда: Илёс ака Худойбердиев.

Х. Мирзакаримов олган сурат.

Август кенгашларига

ЖУФТ ОЧИҚ ДАРС

Илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида мактабимизда етакчи ўқитувчиларнинг очиқ дарслари ўтказилиб турилади. Ўтган ўқув йилида режа бўйича мен ҳам 10-синфда физикадан очиқ дарс ўтишим керак эди. Ҳар доимгидек дарснинг боришини фикран хаёлимдан ўтказдим. Ўйлаб қарасам, мавзу долзарб ҳамда жуда кенг, бир соатга сиғмайди. Дарс жадвалида, менга жуфт соатлар қўйилгани эсимга тушдию, муаммони ҳал қилгандай бўлдим. Мактаб раҳбарларига жуфт очиқ дарс ўтказиш ғоясини таклиф қилдим, маслаҳатлашдик ва жуфт очиқ дарс ўтказишни келишиб олдик.

Жуфт дарслар услубий нуқтаи назардан одатдаги бир соатлик дарслардан унчалик фарқ қилмаса-да, ўқувчиларга бериладиган дидактик материаллар мазмуни ва ҳажми жиҳатидан, шубҳасиз, ундан кескин фарқ қилади.

Маълумки, барча ўқув фанларида шундай мавзулар борки, уларни тушунтириш учун 45 минут вақт камлик қилади. Икки соатга бўлиб бошқа-бошқа кунларда ўтилса, албатта, самарадорлиги камаяди. Шу сабабли, ҳарҳолда анча йиллардан буён амалиётда, кам бўлсада, жуфт соатлардан фойдаланилаяпти. Бу ишни оммалаштириш ҳақида таклифлар ҳам бўлганди.

Мактаб раҳбарлари, табиий фан ўқитувчилари иштирокида жуфт очиқ дарсни (1996 йил 15 апрелда) ўтказдик. Унинг тафсилотини сизларга мақола тарзда ҳавола этишни лозим кўрдим.

Мавзу: «Суюқликларда электр токи. Электролиз қонуни».

Мавзунинг амалий аҳамиятини, ўқувчилар билим даражасини, физика кабинети имкониятини ва ниҳоят яшаётган жойимиздаги экологик вазиятни ҳисобга олиб мақсадларни қуйидагича белгиладим.

Таълимий мақсад: мавзу учун зарур бўлган тушунчаларни такрорлаш. Фарадей қонунларини, Фарадей доимийсининг физикавий маъносини, электрон зарядини аниқлашни тушунтириш; қўшимча дидактик материаллардан фойдаланиш, тажрибалар ўтказиш, масалалар ечиш.

Тарбиявий мақсад: Элетролизнинг амалий аҳамиятини очиш орқали ўқувчиларнинг касбга ва меҳнатга қизиқишларини кучайтириш. Атроф-муҳит муҳофазаси долзарблигини ўқувчиларга тушунтириб, уларда экологик маданият шаклланишига ёрдам бериш.

Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларда мустақил ишлаш ва фикрлаш, хулоса чиқариш малакасини ривожлантириш.

Дарс жиҳози: Иккита кўргазма-плакат (бирида такрорлаш учун саволлар ёзилган, иккинчисида электр занжири схемаси чизилган), тажриба ўтказиш учун тузилган электр занжири, дистилланган сув, ош тузи, қор суви, ичимлик сув ва артезиан қудуғи суви (бу сувдан қишлоғимиз аҳли суғориш мақсадида фойдаланадилар).

ДАРСНИНГ БИРИНЧИ СОАТИ

Такрорлаш: Ўқувчилар тайёр саволлардан фойдаланиб электр токи (металларда, ярим ўтказгичларда, вакуумда), модда миқдори, Авагадро сони, моляр сони ва валентлик тушунчаларини такрорладилар. Ўқувчилар жавобларидаги баъзи ноаниқликларга изоҳ берилди.

Янги мавзу баёни: Қаттиқ жисмлар каби суюқликларнинг ҳам ўтказгичлари (электролитлар ва суюқланмалар), ярим ўтказгичлари (селен ва сульфиднинг эритилгани) ва диэлектриклари (дистилланган сув) бўлади. Биз фақат электролитлардан электр токининг ўтиши ва у билан боғлиқ жараёнларни ўрганамиз.

Тайёрлаб қўйилган электр занжиридан (ток манбаи, лампочка, электродлар туширилган шиша ванна ва включателлар кетма-кет уланган (фойдаланиб) қуйидаги тажриба намойиш этилди:

Аввалига электродлар тўғридан-тўғри ўтказгич ёрдамида туташтирилди, лампочка ёнди. Электродлар дистилланган сувли ваннага туширилиб, занжир ток манбаига уланган эди, лампочка ёнмади. Ваннадаги дистилланган сувга бир оз ош тузи аралаштирилгач, лампочка яна ёнди. Тажрибадан ўқувчилар қуйидагича хулоса қилдилар: дистилланган сув диэлектрик, ош тузи эритмаси—ўтказгич. (Шу ўринда ўқувчиларга бошқа суюқ диэлектриклар ва ўтказгичлар борлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир).

Кейин ош тузи ва мис купороси мисолида электр диполь, электролитик диссоциация, динамик мувозанат ва уларнинг кимёвий тенгламалари ҳамда ионли ўтказувчанлик, электролиз ва унинг қўлланилиши, электролиз қонунлари, Фарадей доимийсининг физикавий маъноси тушунтирилди. Шу билан дарснинг биринчи соати тугади.

ДАРСНИНГ ИККИНЧИ СОАТИ

Электрон зарядини аниқлаш дарсликдагидек тушунтирилди. Ўқувчиларнинг дарсни қай даражада ўзлаштирганликларини билиш мақсадида савол-жавоб ўтказилди. Дарс баёни жараёнида бир неча бор тажриба натижалари ва кўргазмали қуролларга мурожаат этилди.

—Энг асосий назарий билимларни сизларга бериб бўлдим, шу билан бас қилсак бўларди. Бироқ мавзу билан боғлиқ битта долзарб масала бор, яшаётган жойимиздаги экологик вазият танг даражага яқинлашиб қолганини биласизлар, айниқса, сувимиз таркиби бузилган, бир неча йилдирки, уни истеъмол қилмаяпмиз. Ҳозир учта тажриба кўрсатаман, эътибор билан кузатинглар, хулосаларингни айтасизлар,—деб ўқувчилар диққатини жамлаб олгач, бирин-кетин амалий тажрибаларни бошладим.

Ваннага қор суви, ичимлик сув ва артезиан сувини навбат билан қўйиб, улар орқали электр токининг ўтишини кўрсатдим. Электр лампочкаси биринчи тажрибада хира ёнди, иккинчисида ёритилганлик бир оз ортди, учинчисида эса жуда равшанлашди. Бир оз мулоҳазалардан сўнг ўқувчилар қор сувида ионлар концентрацияси камлигини, ичимлик сувда бир оз кўпроқ эканлигини, артезиан сувида концентрация жуда юқорилигини айтдилар. Мен давом этдим.

Аввалари ҳовлидаги водопроводдан чиқаётган артезиан суви шу даражада зилол эдики, уни ўқувчиларга кўрсатиб, мана дистилланган сув, у электр токини ўтказмайди,—деб тажрибаларда ундан диэлектрик сифатида фойдаланардик. 1982 йиллардан бу сув электр токини ўтказадиган бўлиб қолди. Кейин қор сувидан фойдалана бошладик, 1990 йилдан бошлаб қор суви ҳам электр токини ўтказадиган бўлиб қолди. Ўшандан буён тажрибаларда дистилланган сув ишлатаяпмиз. Ҳар йили, суюқликлардан электр токининг ўтишига доир тажрибаларни такрорлайвериш натижасида, ўзимиз ҳам экологик муҳитнинг бузилаётганини сезиб қолдик.

Қор суви, ер ости сувларида ионлар қаёқдан пайдо бўлиб қолди?—деган саволга жавоб изласак, у собиқ Иттифоқнинг республикамизга хомашё базаси сифатида қарашдек сиёсатига бориб тақалади. Заводлар ва бошқа иншоотлар ана шу сиёсат манфаатини кўзлаб қурилган. Биласизлар, атрофимизда ана шундай корхоналар бор, улар чиқараётган заҳарли газлар ва оқовалар таъсирида нафақат ер ости сувларида, ҳатто, қор таркибида ҳам зарарли ионлар пайдо бўлибди. Артезиан сувида ана шу ионлар ва оғир элементлар миқдори шу даражада ошиб кетибдики, мутахассислар мустақиллигимизнинг биринчи йилиёқ у сувни истеъмол қилишни тақиқлаб қўйдилар. Туманимиз раҳбарияти, барча бўғиндаги депутатлар, ҳусусан, мен ҳам туман кенгаши депутати сифатида бу муаммони ҳал этилишига ҳаракат қилдик. Бу масала билан республика миқёсида ҳам шуғулланишди ва ижобий ҳал этилди. Юртбошимиз И. Каримов раҳбарлигидаги ҳукуматимизга раҳмат, Ангрен воҳасидан тоза ичимлик сув келтириб бердилар. Экологик муҳитни соғломлаштириш ишлари эса давом этаяпти.

Ичимлик сувдан электр токи ўтишини кўрсатдим. Сизлар бундан истеъмолдаги сувимиз ҳам яроқсиз экан, деган хато фикрга бориб қолманглар. Зеро, ҳар қандай ичимлик сув таркибида организм учун зарур бўлган ионлар бор, улар қисман электр токини ўтказади, бу табиий ҳол.

Ниҳоят, эътиборингизни ўта муҳим бир нарсага қаратмоқчиман. Турмушимизни электрсиз тасаввур эта олмаймиз, ундан ҳар қадамда, турли мақсадларда фойдаланамиз. Ёдларингда бўлсин, одам, барча жониворлар, ўсимликлар ва турли ҳўл буюмларнинг таркиби асосан электролитлардан иборат бўлганлиги учун, улар электр токини жуда яхши ўтказадилар. Бу далиллар электр энергияси билан боғлиқ ишларни бажаришда, ниҳоятда, эҳтиёткорликни тақозо этади. Лоқайдлик туфайли рўй берган бахтсиз ҳодисаларни кўп эшитгансизлар, гувоҳи ҳам бўлгандирсизлар. Айтганларимдан хулоса шуки, доимо хавфсизлик қоидаларига риоя қилинглар. Бу билан ўзларингни ва турли жонзотларни фожиалардан сақлашни кафолатлаган бўласизлар!

Афсуслар бўлсинки, баъзан, билиб-билмай бунинг аксини қиладиганлар, ҳатто браконьерлик (ўғринча ов қилиш) қилиб жиноятга қўл урадиган жиловсиз ёшлар ҳам учраб туради. Уларнинг, юқори кучланишли электр токидан фойдаланиб, канал-ариқларда балиқ овлаганликларини эшитгандирсизлар, балки ичларингизда кўрганлар ҳам бордир. Яқинда ёнимиздаги қишлоқда (ўзимизда ҳам бўлган) ана шундай бебошликлардан бири фожиа билан тугади. Институтни битираётган навқирон йигит ток уриши оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Ахир, браконьерлар одамнинг ҳам, балиқнинг ҳам, сувнинг ҳам ток ўтказишини биларди-ку!

Сизларга насиҳатим—бундай ножўя ҳатти-ҳаракатлардан йироқда бўлинг! Бошқаларнинг ҳам бундай ишга қўл уришига йўл берманг. Ахир, мусулмончиликда ман этилган ишларни қилиш ҳаром дейилган, уни содир этганлар ҳаромхўр саналадилар. Бу гапларни яхшилаб уқиб олинглар...

Жуфт очиқ дарс якунида маълум бўлдики, ўқувчилар экологик муаммоларга жуда жиддий қарарканлар. Бу улар билан бўлган баҳс-мунозарада яққол намоён бўлди.

Дарс якунида «Физикадан масалалар тўплами»дан 843 ва 854 масалаларни ишлаб, ўтилган мавзу бўйича тушунчаларни мустаҳкамладик.

Тошпўлат ЙЎЛДОШЕВ,
Пискент туманидаги 28-мактабнинг олий тоифали методист ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси.

Янгича иш усули

ИСТЕЪДОДЛИ АВЛОД — МАМЛАКАТ БАХТИ

Истеъдод — инсонга берилган энг олий неъматлардан биридир. Шундай экан, биз истеъдодларни тўғри тарбиялаб, улардан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган малакали мутахассислар тайёрламоғимиз айни долзарб вазифалар сирасига киради. Эътибор беринг-а, кўпгина ривожланган мамлакатларда кучли истеъдод эгаларига бўлган муносабат ва эътибор бир қадар кучли. Уларда истеъдодни, тўғрироғи, истеъдод соҳибини қадрлай олиш маданияти ривожланган. Дарҳақиқат, бугун ана шундай истеъдод соҳиби бўлган ёш авлодни тўғри тарбиялласак, эртага жамият тараққиёти бундан-да тезлашиши муқаррардир. Шу боис Республикамиз раҳбарияти, истеъдодли ёшларга имтиёзлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида бир неча қарорлар қабул қилди.

Ана шу қарорларда белгиланган вазифаларни адо этишда ўз ҳиссасини қўшаётган ташкилот-муассасалардан бири Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Республика истеъдод маркази»дир. Унинг директори, психология фанлари доктори, врач-психолог Ботир Қодиров билан марказ — фаолияти хусусида суҳбатлашдик.

— Ботир ака, дастлаб истеъдодни психологик жиҳатдан ўрганиш хусусида гапириб бersангиз.

— Истеъдодни психологик жиҳатдан ўрганишни республикада биринчи бўлиб биз 1990 йил Термизда бошлаганмиз. Худди шу йиллар бизнинг психо-физиологик лабораториямиз расман тан олинди. Ўзим эса истеъдод масаласи билан 1973 йилдан бери шуғулланиб келаман. Номзодлик ва докторлик илмий ишларимни ҳам ана шу мавзуда ҳимоя қилганман. Лекин ўша пайтларда сен истеъдодли, сен истеъдодсиз деб кишиларни ажратиш мумкин эмас эди. Гўё «ҳамма бир хил фикрлайди», «ҳамма қобилиятли», «ҳамма истеъдодли». Шу туфайли бу соҳа фақат илмий жиҳатдан ўрганилярди, холос. Амалий жиҳатдан эса 1990 йилдан ишга киришдик. Мазкур йилда биз биринчи марта Термиз шаҳридаги Ҳаким Ат-Термизий номли мактаб учун истеъдодли, қобилиятли ўқувчиларни саралаб берганмиз. Ўтган йиллар ичида республикамиз мактабларида таълим олаётган 27 мингдан зиёд истеъдодли ўқувчини саралаб олий ўқув юртларига тавсия этганмиз. Кейинчалик, тўғрироғи 1995 йилда Термиздаги лабораториямиз Тошкентга кўчирилди ва «Республика истеъдод маркази» сифатида иш бошлади.

Ҳозир ҳар бир вилоятда марказ филиаллари ишлаб турибди. Мазкур филиалларда малакали педагог ва психолог мутахассислар иш олиб боришяпти. Вилоятларимизда ўз бўлимларимизни очишдан мақсад, у ердаги истеъдодли болаларни биринчи босқич синовидан ўтказиш ва улар билан ишлашдир. Бизга бу борада ўз филиалларимиз ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Истеъдод марказида биринчидан, истеъдод нейро-физиологик жиҳатдан ўрганилади. Яъни инсоннинг мия хусусиятлари, имкониятларини тадқиқ этамиз. Шу мақсадда марказда психофизиологик лаборатория ташкил этилиб, махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Иккинчидан, истеъдод психологик жиҳатдан ўрганилади. Боланинг ақлий заковатини ўлчайдиган психологик методикалар яратилган.

— Малакали мутахассис бўладиган кишини мактабданоқ танлаш керак. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, мутахассислар тайёрлашдаги долзарб ва катта истиқболий йўналишлардан бири — мактаб ўқувчилари орасидан истеъдодли, зукко болаларни саралаб олиб, уларни махсус мактабларда бойитилган, мазмунли дастурлар асосида ўқитиш ва уларга иккиланмай кенг имтиёзлар бериб, тез орада халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали мутахассислар етиштиришдир. Лекин, махсус мактабларга ёки олий ўқув юртларига болаларни танлаш, қайси болани қобилиятли ҳисоблаб, махсус мактабга олиш, қайси болани ўз мактабида қолдириш масаласи кўпчилик ўқитувчиларни, мактаб ташкилотчиларини бу чигал муаммо олдида тўхтатади ва айнан шу масалани тўғри ечишда кўп хатоликларга йўл қўйиш хавфи бор. Масалан, боланинг баҳоларига қараб танлаш ёки биронбир раҳбарнинг ўғли ёки қизига илтифот кўрсатиш мақсадида танлаш каби ҳоллар ҳалигача учраб туради. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, бу усулда танланганда биз ҳақиқий зукко, қўлидан иш келадиган, тафаккури баланд болаларни четлаб ўтиб, бошқа хусусиятларга эга бўлган, яъни баъзан лоқайд, ўз устида ишламайдиган ва умуман ишлашни хоҳламайдиган, лаёқатсиз, айёр, сохта маълумотли болаларни йиғиб олишимиз мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, атрофимиздаги баъзи бир лаганбардор, кўзбўямачи, сафсатабоз, саводсиз раҳбарлар ёки жавобгар шахслар кўпинча бировнинг ёрдами билан, ошнаоғайнигарчилик билан ҳаёт жараёнида «танланилиб» келинган.

Бу жараённи биз бир зумда тўхтата олмаймиз, токи доно, зукко болаларни ёшлигиданоқ танлаб олмасак, уларни ўзларига ўзларини барвақт танитмасак, халқ олдида уларнинг ёшликлариданоқ кимлигини кўрсатмасак, тараққиётимизга путур ета беради.

Афсуски, бу сифатлар азалдан оз бўлса-да, боланинг ўзида бўлмаса, олий ўқув юртларига ўқишга кирганда ҳам бу сифатларни орттира олмайди. Бас шундай экан, доно, тетик, ақли расо болаларни синф ўқувчилари орасидан асосли равишда танлашимиз ва уларнинг лаёқат йўналишлари, қобилиятларига қараб у ёки бу соҳага, касбга йўналтиришимиз керак.

Ҳўжалик хисобидаги айрим олий ўқув юртларига имий-амалий хизмат кўрсатиш натижасида 1996 йилда марказ ҳисобига 163 минг сўм пул тушди. Бу пуллар асосан турли техник асбоб-ускуналар харид қилишга, шунингдек хоналарни таъмирлаш ва мебель жиҳозлари билан безашга сарфланяпти.

— Жорий йилда Истеъдод маркази томонидан қандай ишлар амалга оширилди ва нималар режалаштирилган?

— 1996 йилнинг шу кунига қадар биз республикамиз ҳудудидаги ўрта мактабларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг 90 мингдан ортиғини биринчи босқич психологик синовдан ўтказдик. Шундан 13,5 минги иккинчи босқичда қатнашдилар. Саралланган истеъдодли ўқувчиларни биз республикамизнинг турли олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ихтисослашган коллеж ва лицейларга тавсия этдик.

Бугунги кунда биз иккинчи босқич танлови методикасини янада такомиллаштириш ишларини режалаштиряпмиз. Бундан ташқари 1996 йил сентябрь ойининг иккинчи ярмида республика истеъдод маркази болалар ва ёшларнинг лаёқатлар, қобилиятлар психологик ва психо-физиологик масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжуманини ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда. Мазкур конференцияга бир гуруҳ хорижлик олимлар келиши кутилмоқда. Истеъдодли болалар ва ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни ҳам бу анжуманга таклиф этамиз.

— Истеъдод маркази бугун нимага кўпроқ эҳтиёж сезмоқда? Умуман сизни раҳбар сифатида ўйлантираётган муаммолар нималардан иборат?

— Бизда мавжуд муаммоларнинг энг муҳими бу — малакали психолог-мутахассисларнинг етишмаслигидир. Бундан ташқари кенгайтирилган бинога муҳтожмиз. Лабораториямиз кенгайиб, унга қанчалик кучли олимлар жалб этилса, мамлакатимиз истеъдодли ёшларини тез ва сифатли саралаб олиш имконияти янада ошган бўлур эди. Зеро, истеъдодли авлод Ватаннинг бахтидир.

Суҳбатни «Маърифат»нинг махсус мухбири Норали ОЧИЛОВ олиб борди.

Иқтисод сабоқлари

МАРКЕТИНГ, ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маркетинг бозор иқтисодиётига мослаштирилган ва бозор хусусиятларини баҳолаш асосига қурилган тизимдир. Маркетинг товарни бозор томон олға силжиши билан боғлиқ бўлган ҳамда талаб ва таклиф ўртасидаги ўзаро муносабатни ҳисобга олувчи фаолиятдир. Шунинг учун у ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида катта истиқболга эга.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий тараққиётнинг янги босқичида маркетингга жиддий муносабат зарур. Унинг назарий асосларини ва чет мамлакатларда бу борада тўпланган амалий тажриба натижаларини янада чуқурроқ ўрганишни бугунги кун тақозо этмоқда. Ўтиш давридаги долзарб вазифаларни ижобий ҳал этиш учун республикамизга маркетинг соҳасида юксак касб маҳорати билан иш юрита оладиган ёш мутахассислар зарур. Улар бир томондан бозорни, талаб, таъб ва эҳтиёжни батафсил ҳамда атрофлича таҳлил этишлари, иккинчи томондан, бозорга талаб, эҳтиёж ва майлни шакллантиришга ҳам бевосита таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Маркетинг (marketing) тушунчаси ўзагини ташкил этадиган «Бозор» (market) атамасини бугунги кунда турлича изоҳлаш маркетинг предметини тушунишда ҳар хил ёндашувларни, шунингдек тартиб-қоида, фаолият, тақсимот билан боғлиқ қарашларни ҳам юзага келтираяпти. Буни биз маркетингни тақсимот тизими, савдо-сотиқ усуллари ва товарни сотиш каби фаолият йиғиндиси тарзида талқин этилаётганида ҳам кузатамиз. Инглиз атамашунослигида маркетинг тушунчаси муайян мазмун доирасини ифода этадики, бу бошқа мамлакатлардаги иқтисодий фаолиятнинг худди шунга ўхшаш соҳасида қабул қилинган ва қўлланиладиган атамалар мазмунидан фарқ қилади. Шу боис кўпгина тилларда «маркетинг» атамасининг ўзи таржимасиз қабул қилинган.

Америка маркетинг уюшмаси маркетингга берилган ҳар қандай таърифларда харидорни кўзлаш асосий масала бўлиши лозимлигини уқтириб, замонавий маркетингнинг кенг соҳаларини расмий равишда эътироф этиб, қуйидаги таърифни қабул қилди: **«Маркетинг ният-мўлжални амалга оширишни режалаш, нарх белгилаш, айирбошлаш орқали айрим шахслар ёки ташкилотлар мақсадларини қондирадиган гоялар, товарлар ва хизматларнинг ҳаракати ҳамда сотилиши жараёнидан иборат».**

Маркетинг тарихига назар ташласак, у назарий концепция ва тижорат фаолиятининг ўзига хос ходисаси тарзида XX аср бошларида АҚШда илк бор қўлланилди. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг юксак даражада тўпланиши, иқтисодиёт тармоқларида монополиялар ҳукмронлиги халқаро бозорда кескин рақобатни вужудга келтирди. Бу эса пировардида маҳсулотни сотиш муаммосини келтириб чиқарди. 1908 йилда тижорат маркетинг ташкилоти илк бор ташкил топди. 1911 йилда эса ўша даврдаги бир қатор йирик компанияларда тижорат тадқиқотлари билан шуғулланадиган дастлабки бўлимлар очилди. Кейинчалик шунга ўхшаш бўлимлар тижорат тармоқлари, хусусий, давлат корхоналари, қўйингки товар ишлаб чиқариш ва савдо билан шуғулланувчи барча компанияларда ёрдамчи хизмат тарзида маҳсулотни сотишни янада яхшилаш, асосан сотиқни таҳлил қилиш ва маркетингни бошқариш вазифаларини бажара бошладилар. Шу тарзда маркетинг махсус фан ва илмий тадқиқотлар соҳаси тарзида шакллана бошлади.

Биринчи марта «маркетинг» атамаси 1905 йилда университетларда ўқитиладиган курсларни номлашда қўлланилди.

1926 йилда АҚШ да маркетинг ва реклама миллий уюшмаси ташкил топди. Унинг негизида Америка Маркетинг жамияти барпо этилди. Бу жамият 1973 йили Америка Маркетинг уюшмаси номини олди. Кейинчалик бундай уюшмалар Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония, Шарқ мамлакатларида ҳам пайдо бўлди. Халқаро маркетинг ташкилотлари — Европа маркетинг ва ижтимоий фикр тадқиқотлари жамияти, Халқаро Маркетинг Федерацияси, Европа Академияси ва шунга ўхшаш кўпгина ташкилотлар очилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги даврда жаҳон иқтисодиётида индустрия даври ахборот даврига ўрин бўшатиб бермоқда. Бу давр АҚШ, Япония, Германия, Англия, Араб амирликлари, Кувайт, Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларга етиб келди. Тез ўзгарувчан бозор шароитлари, нархсиз рақобат усулларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш юксак даражага чиққан мосланувчан, якка истеъмолчига мўлжалланган, ҳажми кичик бозор соҳалари кабилар бозорнинг ўзига хос хусусиятларидир. Бундай шароитда рақобат шиддатли тус олади. Рақобат нарх омили негизида бўлмай балки товарни такомиллаштириш, сифат ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилади. Масалан, Японияннинг электрон фирмалари ҳар икки ойда янги микросхемаларни жаҳон бозорига чиқараяпти. Маҳсулот ассортименти хилма-хиллиги ортиб бораяпти. Шунинг учун барча янги товарлар ҳақидаги ахборот жуда тезлик билан ҳаракатга етиб бориши шарт. Бозор шароитида фақат сифатли, рақобатбардош товар ишлаб чиқариш кифоя қилмайди. Янги яратилаётган товарларни ўз вақтида, кафолатли етказиб бериш учун фирма кўрсатадиган қўшимча хизматларни ҳам тубдан яхшилаш зарурати туғилади.

Товарни сотиш учун янги бозорлар, янги харидорлар қидириш бозор шароитининг ўзига хослигидир. Бу ишларни ҳозири замон маркетингига таяниб амалга ошириш мумкин. Корхонанинг рақобатбардошлиги илмий-техникавий, тижорат, ижтимоий ва бошқа ахборотларни ўз вақтида олиши каби омиллардан усталик билан фойдаланиш натижасида таъминланади.

Маркетингнинг асосий тамойиллари - бу бозорни билиш, бозорга мослашиш ва бозорга таъсир ўтказишдан иборатдир.

Бозорни билиш — истеъмолчиларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг дид ва истакларини билишдир. Бунда асосан «Истеъмолчи — қирол!» деган шиорга амал қилинади. Демак, **бозорга мослашиш** талабни қондирадиган маҳсулотларнигина ишлаб чиқармоқ керак, яъни нима ишлаб чиқарадиган бўлса, шуни сотмаслик, балки бозорталаб молларнигина ишлаб чиқариш зарур. Бозорга таъсир ўтказиш — талабни шакллантириш, яъни товарни яратиш билан истеъмолчини ҳам яратмоқ керак.

Маркетингни асосий вазифаси бозор концепциясининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Маркетинг стратегияси корхона имкониятларини бозор талаблари даражасига мослаштиришдир.

Маркетинг тактикаси стратегик мақсадларга эришиш учун аниқ йўналтирилган амалиётни таъминлаш демакдир.

Маркетинг фаолияти бозорни, маркетингни қўллаш билан боғлиқ масалаларни комплекс ўрганиш, маҳсулот ассортиментини режалаштириш, талабни ва савдога рағбат берадиган тадбирларни шакллантириш, савдо ва тақсимот, маркетинг фаолиятини бошқариш ва назорат қилишдир.

Маркетинг фаолиятининг асосий соҳалари (вазифалари):

1. Режалаштириш ва маҳсулотни яратиш; 2. Маҳсулотнинг стандарт ва навларини белгилаш; 3. Маҳсулот хариди ва уни гуруҳлаштириш; 4. Сотиш; 5. Омборларга жойлаш; 6. Транспорт хизмати; 7. Маркетинг фаолиятини молиялаш; 8. Хавф-хатар; 9. Бозорга оид ахборотларни тўплаш.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эга бўлгандан кейин жаҳон иқтисодиётига қўшилиши табиийдир. Ишлаб чиқаришда бозорга мўлжалланган бошқариш шаклларини такомиллаштириш, миллий ва жаҳон иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида ўзаро боғланиш тизимини яратиш маркетинг ёрдамида амалга оширилади.

Маркетинг тизими, унинг тамойиллари ва вазифалари ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам маркетинг фаолияти соҳасида бир хилда амал қилса-да, чет мамлакатлар бозорининг фаолияти ва турли бозорлар учун ишлаш шароитларида маълум даражада ўзига хос фарқлар бор. Халқаро маркетинг ички бозордаги маркетингга нисбатан ўзига хос хусусиятларига эга.

Жаҳон ва минтақа бозорларида, жаҳон иқтисодиётида турли талаб ва таклифларга дуч келамиз. Шу боис Халқаро маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари халқаро тижорат ташкилотларининг турига қараб намоён бўлади. Бу ташкилотларда савдо-сотиқ операцияларининг бевосита иштирокчилари ўртасида ўзаро тўлов олиб борувчиларга ва товарларнинг сотувчидан харидорга етиб келиши билан боғлиқ бўлган таъминловчиларга бўлинади. Асосий тижорат операцияларига қуйидагилар киради: моддий-буюм шаклидаги товарларни айирбошлаш, яъни тижорат экспорти ва импорти; илмий-техникавий билимлар (айирбошлаш), (потентлар, лицензиялар, турли лойиҳа ва бошқалар)ни техникавий хизмат кўрсатишни айирбошлаш; ижара, халқаро туризм, ахборот ва бошқаришни такомиллаштириш соҳасида маслаҳат хизматлари кўрсатиш, кинофильмлар ва телепрограммалар айирбошлаш, маданий ва маърифий алоқалар бўйича фаолиятлардир.

Халқаро товар оборотини таъминлайдиган операцияларга эса қуйидагиларни киритишимиз мумкин: халқаро юк ташиш, юкларни суғурталаш, халқаро юк ташишда асраш, халқаро ҳисоб-китобларни олиб бориш, шунингдек транспорт экспедиторлик операциялари каби фаолиятлар. Бир сўз билан буларнинг барчасини товар ҳаракати операциялари деб юритиш ҳам мумкин.

Халқаро маркетингнинг яна бир ўзига хослиги ишбилармонлик фаолияти мақсадларини белгилаш, тараққиёт стратегиясини танлаш ва мақсадларга етишда қўлланиладиган усуллардан фойдаланишдир.

Халқаро маркетинг стратегиясининг икки бири-биридан фарқ қилувчи кўриниши мавжуд. Биринчиси, фарқланмаган ёки табақаланмаган маркетинг стратегияси. Бу турга кирадиган фирма, корхона ва бошқа ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар бир хил товарнинг ўзини ҳам ички, ҳам ташқи бозорга чиқаради. Бунда стандарт маркетинг дастуридан фойдаланишда кўрсатгичлар доирасини шунчаки кенгайтиради. Масалан, табақаланмаган маркетинг стратегияси билан фаолият кўрсатаётган машҳур «Coca-Cola» ёки «Pepsi-cola» фирмалари ўзининг оммавийлиги туфайли оддий кенгайтиришнинг табақаланмаган стратегиясидан фойдаланади. Фирма ўз товарларининг бозори чаққонлигига ишониб, чет элларда савдо маркасига, дизайнига, ўраш-жойлашга ёки таркибига бирон бир ўзгаришлар киритмасдан сотади. Бунда фирма ишлаб чиқараётган товарининг ялпи сотилиши туфайли харажатларни ғоят камайишига эришади. Табақаланмаган маркетинг стратегияси билан фаолият кўрсатишда айрим мамлакатларнинг миллий ўзига хослиги, қонунлар, расм-русумлардаги фарқлар ва бошқаларга эътибор берилмайди. Шу сабабли бундай стратегия фирманинг товари халқаро миқёсда ном қозонган ёки товарнинг чет элларда сотилиш ҳиссаси унчалик кўп бўлмаган холларда қўлланилади. Табақаланмаган маркетинг стратегияси турли бозорлардаги талаб ва дид эҳтиёжлари, ҳуқуқий нормалар, тил талаблари, маданий тафовутлар ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда ўзгаришлар киритилган товарлар таклифини ўзига хос томонларини аниқлашга, таҳлил қилишга асосланади.

Фирмалар ўз товарларига нарх белгилашларида маҳаллий, иқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олади. Ҳудди шунинг учун кўпгина фирмалар сут ривожланган, ривожланаётган мамлакатларда товарларнинг соддалаштирилган кўринишларини ёки арзон маҳаллий ишчи кучидан фойдаланиб, умуман тайёр маҳсулотни паст нархларда сотади. Фирмалар ўз товарларини ривожланган давлатларда юқорироқ белгилайдилар, сабаби нархлар қўшимча халқаро маркетинг ва маҳсулот сифати харажатларини ўз ичига олади.

Халқаро маркетингнинг энг пухта таркибий қисми — маҳаллий талаблар ва миллий анъаналарга атрофлича аҳамият берадиган реклама ҳисобланади.

Табақаланган стратегия халқаро маркетингда кенг қўлланилади. Бунда маҳсулотни режалаштиришнинг оддий усули, янги товарни яратиб ўтирмай, унга бирмунча ўзгаришлар киритиш кифоядир. Шунингдек, стратегияни қўллашда реклама, дизайн ва товар силжиши учун қўшимча ҳаражатларни оширишга, марказлашган бошқаришни чеклашга олиб келади. Табақаланган стратегия билан ишлаётган фирмалар товарларини ярим маҳсулот кўринишида ишлаб чиқиб, сотиб олувчи давлатларнинг, конкрет мамлакат ёки минтақадаги истеъмолчининг ўзига хос талабларига мувофиқ ўраб-жойланади ва белгилар қўйилади.

Халқаро маркетингнинг товар ҳаракати жараёнини бошқариш сингари таркибий қисми ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Товар ҳаракатини товарни истеъмолчига шунчаки етказиб бериш деб тушуниш хатодир. Товарни харидорга етказиш, харидор талабини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш керак. Товар ҳаракатининг оқилона йўлларини танлаш, омборхоналарни жойлаштириш, товар ғамламаларини мақсадга мувофиқлаш, улгуржи ва чакана савдо операцияларини бирлаштириш ва бошқа муаммолар ҳал этиладиган доирада халқаро маркетингни бошқаришда самара беради.

Маркетинг бўйича ахборотларни олишда, маркетинг тадқиқотлари ўтказишда ва мутахассис кадрлар (маркетологлар) тайёрлашда маркетинг ва фирмаларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда ёрдам берадиган халқаро ва миллий ташкилотлар муҳим рол ўйнайди.

Кўпчилик йирик фирмалар маркетинг ахборот тизимига эга. Бу тизимлар ҳар куни тўлдириб бориладиган маълумотлар банки ва ҳудудий қурилмалар тармоғидан иборатдир. Ҳозирги даврда тижорат асосида бозорни ўрганиш бўйича ўз хизматини тавсия этадиган жуда кўп ихтисослашган фирмалар ва агентликлар бор. Бозор ахборотларини айирбошлашнинг мураккаб тизими кун сайин ривожланмоқда. Бу тизим ахборотларнинг асосий истеъмолчиси бўлган саноат компанияларининг хусусий тадқиқот ишларини олиб бориш ва енгиллаштиришга хизмат қилади.

Маркетинг ахборот банкининг пайдо бўлиши ва уни компьютерлаш ҳозирги давр талабидир. Савдо палаталардаги ахборот банкида янги маҳсулотлар, товарлар ҳақида атрофлича маълумотлар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар тўғрисидаги маълумотлар, савдодаги заҳиралар ва тақсимот йўллари тўғрисидаги жами ахборотлар бўлади. Муайян тижорат қарорини қабул қилиш учун — маҳсулот харид қилиш, келтириш, омборга жойлаш, товарларни сотиш учун ҳам махсус дастурлар ёрдамида маълумотлар банкига мурожаат этилади. Электрон машиналар эса қарорни тайёрлайди ва уни қабул қилишнинг уддасидан тез чиқади.

Зуҳра ВАЛИЕВА,
педагогика фанлари номзоди, доцент.

«Ўқитувчи» НАШРИЁТИ — 60 ЁШДА

ЗИЁ МАСКАНИНИНГ ЗИЁЛАРИ

Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган «Ўқитувчи» нашриёти мустақил мамлакатимиз истиқлолининг беш йиллиги арафасида ўз таваллудининг олтмиш йиллигини нишонлаш тадоригини кўрмоқда. Биз, ноширлар нашриётимиз тўйига ҳозирлик кўрар эканмиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг юртбошимиз белгилаб берган ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, аввало, ислоҳотларнинг бешта тамойили улкан самаралар келтираётганидан бениҳоя қувонмоқдамиз. Бинобарин, бунда «Ўқитувчи» нашриётининг ҳам ўз ўрни бор.

Ҳозирги кунда нашриётимиз йилига ўртача 300 номда, 2,5 минг босма табоқ ҳажмда 30 млн. нусхадан ортиқ дарсликлар, қўлланмалар ва бошқа хил адабиётлар нашр этмоқда. Нашриёт республикадаги деярли барча олий ўқув юртлари, йирик илмий ташкилотлар, кўплаб олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилмоқда. Шунингдек бу ерда тайёрланган дарслик ва қўлланмалардан республикамизгина эмас, балки Марказий Осиёдаги бошқа республикалар ўқувчилари ҳам фойдаланадилар.

Нашриётимиз 60 йилдирки мамлакатимиз маориф тараққиётига ҳисса қўшиб келмоқда. У 1936 йилда Ўздавнашр таркибидан мустақил нашриёт сифатида ажралиб чиққан ва ўз фаолиятини «Ўқувпеддавнашр» номи билан бошлаган. 1960 йилда Ўқувпеддавнашр «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриётига айлантирилди ҳамда ўрта мактаблар, олий ўқув юртлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари учун фаннинг турли соҳаларига оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик адабиётлар кўплаб нашр этиладиган бўлди. 1964 йилда эса «Ўрта ва олий мактаб» нашриёти «Ўқитувчи» нашриёти деб қайта номланди.

Ҳозирги кунда «Ўқитувчи» нашриёти умумтаълим мактаблари, болалар боғчалари, ҳар хил турдаги ёрдамчи мактаблар, ҳунар билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг талабалари ва ўқитувчилар, ота-оналар учун турли фанлардан миллионлаб нусхада дарсликлар, ўқув қўлланмалар, методик адабиётлар, маълумотномалар, луғатлар нашр этмоқда. Жамоада Бош таҳририят бошчилигида 10 та таҳририят ҳамда йирик компьютер бўлими фаолият кўрсатаётир. Бу таҳририятларда фаннинг турли соҳалари бўйича малакали мутахассис муҳаррирлар ишламоқдалар.

Истиқлол йиллари мобайнида «Ўқитувчи» нашриёти жамоаси ҳаётида анча ўзгаришлар содир бўлди. Нашриётимизда тайёрланаётган дарслик ва қўлланмалар коммунистик мафкура исканжаларидан халос бўлганлиги ноширлик фаолиятимизга ижобий таъсир кўрсатди. Илгари тарих, география, математика сингари фанларга оид дарслик ва қўлланмалар асосан рус тилидан таржима қилиб келинган бўлса, эндиликда улар ўзбек тилида мустақил республикамизнинг истеъдодли мутахассислари томонидан яратилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон тарихи» дарсликлари барча синфлар учун Республика Фанлар академиясининг тарих институти олимлари томонидан янгитдан яратилаётир. Ҳозиргача Ўзбекистон тарихидан тайёрланган бешта дарслик ва жаҳон тарихидан V-VII синфларга мўлжалланган учта дарслик чоп этилиб ўқувчилар қўлига етиб борди.

Истиқлол йилларида нашриётимизда ўзбек адабиётидан умумтаълим мактабларига мўлжаллаб нашр этилган дарсликлар ва мажмуалар собиқ шўролар салтанати даврида «Ватан адабиёти» деган мавҳум ном остида нашр этилган шу мавзудаги дарсликлардан тамоман фарқ қилади. Ўша «Ватан адабиёти»да мумтоз ўзбек адабиётидан қарийб ҳеч бир намуна берилмаслиги устига, XX аср ўзбек адабиётига ҳам мазкур дарслик ҳажмининг нари борса чорагигина ажратиларди, китоб матнининг етмиш беш фоизини эса рус адабиёти намуналари эгалларди. Умумтаълим мактабларининг ўзбек адабиёти дастурини (V-XI синфлар учун) профессор Умарали Норматов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар яратиб, мазкур адабиёт бўйича дарслик ва мажмуаларни ҳам уларнинг ўзлари тузиб бердилар. Бу китоблар матнларининг ярмидан ортиқроғини ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ташкил этади.

Нашриётнинг ижтимоий фанлар таҳририятлари билан бир қаторда кимё-биология, физика-математика ва умумтехника адабиётлари таҳририятларида тайёрланган дарслик ҳамда қўлланмалар ҳам илгари рус тилида чиқарилган аввалги нашрлар таржимаси бўлмай, балки республикамиздаги муаллифлар бутунлай қайта ёзган ҳолда пешма-пеш нашр қилинмоқда. Мазкур соҳалар билимдонлари Р. Бекжонов («Атом ядроси ва элементар заррачалар»), Ж. Иқромов ва М. Мирзааҳмедов («Математика» 5-6-синфлар), Н. Бикбаева («Математика» 1-2-синфлар), А. Абдуқодиров ва Т. Азларов («Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари»), Р. Шоймардонов («Органик кимёдан масала ва машқлар), Ж. Урчинов («Зоология»), А. Труханова («Тиқувчилик технологияси асослари») ва бошқа муаллифлар қўлёзмалари устида мазкур таҳририятлар муҳаррирлари тинмай меҳнат қилмоқдалар.

«Ўқитувчи» нашриёти кейинги йилларда бир қанча олимлар билан ҳамкорликда «Педагогика тарихи» (К. Ҳошимов ва бошқалар), «Одобнома» (О. Тўраева ва М. Туропова), «Ўзбек педагогикаси антологияси» (М. Хайруллаев ва бошқалар), «Бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарслари» (Ф. Хўжаев ва Т. Усмонхўжаев), «Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси» (О. Мусурмонова), «Педагогика» (А. Мунаввров таҳрири остида) каби адабиётларни ўқувчиларга туҳфа қилди.

Нашриётнинг чет тиллар адабиёти таҳририяти умумтаълим мактаблари учун асосан инглиз, немис ва француз тилларидан дарслик ва қўлланмаларни мунтазам равишда тайёрлаб бермоқда. Бунга Ж. Бўронов ва бошқалар қаламига мансуб «Инглизча-ўзбекча-русча сўзлашгич», М. Ирисқулов ва бошқалар тузган «Инглизча-ўзбекча-русча маълумотнома», Л. Бобохонова ёзган «Инглиз тили статистикаси», Н. Умарбеков, Г. Ҳамроқуловалар яратган «Ҳозирги замон француз тили лексикологияси», Ж. Жалолов ижод этган «Мактабда чет тилларни ўқитиш методикаси» ва бошқа адабиётларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Мусиқа адабиётлари таҳририяти нашриётимиз таркибида яқиндагина ташкил этилганлигига қарамай, ўз атрофида анчагина фаол муаллифлар гуруҳини уюштира олди, ўз фаолияти йўналиши бўйича бир қанча нашрларни тайёрлаб улгурди.

Нашриётнинг рус тилидаги адабиётлар таҳририятида ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактаблари ва педагогика олий ўқув юртлари учун рус тили дарсликлари, шунингдек ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун табиий (география, биология ва ҳоказо) ва ижтимоий (тарих, иқтисод, ҳуқуқ) фанлар бўйича дарсликлар ҳамда қўлланмалар, табиатни муҳофаза қилиш бўйича китоблар нашрга тайёрланади. Мазкур таҳририятда рус тилидан бутунлай янги дарсликлар тайёрлашга киришилди.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси 1996-97 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун 71 номда 22 миллион 616 минг нусхадан ортиқ асосий дарсликларни нашр этишни режалаштирган бўлса, ҳозирга қадар шулардан 67 номдагиси 15,5 млн.дан ортиқ нусхада чоп этилиб, китоб савдоси идоралари орқали республикамиздаги мактабларга, шунингдек Марказий Осиёнинг бошқа республикаларидаги ўзбек мактабларига жўнатилмоқда.

Нашриёт умумтаълим мактаблари дарсликларидан ташқари, ўқитувчилар учун методик адабиётлар, қўлланмалар, маълумотномалар, турли хил луғатлар ва бошқа адабиётлар нашр этмоқда. Жумладан, Б. Аҳмедов таҳрири остида «Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида», М. Муродовнинг «Соҳибқирон сабоқлари», С. Олимнинг «Нақшбанд ва Навоий», У. Норматовнинг «Ўтган кунлар ҳайрати», Н. Жумахўжанинг «Сатрлар силсиласидаги сеҳр», Қ. Йўлдошевнинг «Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари», И. Мирзаевнинг «Бобур маърифати», Т. Бобоевнинг «Шеър илми таълими», К. Назаров ва бошқа муаллифларнинг «Ўзбек тили ишора-имло қоидалари» сингари янги нашр этилган китоблар бугунги ўқитувчилар ва умуман талабчан китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз.

Ҳозирги вақтда нашриётимизда республикамиз ҳукуматининг лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш юзасидан ишлар давом этмоқда. Лотин ёзувидаги алифбе ва она тили дарсликлари ҳамда бир қанча қўлланмалар, ёзув дафтарлари кўп минглаб нусхаларда босиб чиқарилди ва яна кўплаб бошқа қўлланмаларни чоп этиш режалаштирилган.

Нашриётимиз жамоаси олдида улкан вазифалар турибди. Биз замон талаблари даражасида ишлай оладиган муҳаррирлар сафини жиддий тарзда ўстиришимиз керак. Бугунги кунда ана шуни ҳисобга олган ҳолда ишни тажрибали ходимлар билан ёш ходимлар меҳнатини уйғунлаштириш йўли билан олиб бормоқдамиз.

Шубҳа йўққи, аҳил жамоамизнинг самарали меҳнати натижалари мамлакатимизда «Таълим тўғрисидаги қонунни амалга оширишга, халқ таълимини равнақ топишига, ёш авлодни келажаги буюк Ўзбекистоннинг ватанпарвар фуқаролари бўлиб камол топишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Бунинг учун биз бутун кучғайратимизни, санъатимизни сафарбар этаберамиз.

Абдулла ҲАСАНОВ,
«Ўқитувчи» нашриётининг бош муҳаррири.

ТАҲРИРИЯТДАН. «Ўқитувчи» нашриётининг Ўзбекистон келажаги бўлмиш ёшлар — ўқувчилар таълим-тарбияси борасида қилаётган ишлари таҳсинга лойиқдир. Нашриёт ташкил топганининг 60 йиллиги билан унинг жамоасини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Маърифат» газетаси таҳририяти муборакбод этади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ривожи учун ўз ҳиссаларингизни қўшишда ҳорманг, азизлар!

БУХОРОГА БОРАР БЎЛСАНГИЗ...

Сиз Бухорога борар бўлсангиз, у маконга етмасдан шамоллар димоғингизга олис-олис даврлар ифорини олиб келади. Бу ифор сиз билан тўқнашган замон қадим момоларимиз, боболаримиз, уларнинг касб-корларию шижоати нигоҳингизда жонланади. Бу манзаранинг асл ҳолатини кўрмоқчи бўлсангиз, Бухоро туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги 19-мактабга боринг.

Дарҳақиқат, ушбу мактабда бугун зардўзлик, наққошлик каби пуллик тўгараклар мавжуд. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотларини савдога қўйиб, даромадининг 10 процентини мактаб ҳисобига топширадилар. Шундан бўлса керак, мактаб бир неча йилдан бери қисман ўз-ўзини таъминлашга ўтган.

Ҳа, бугунги бухоролик болалар аждодларимиздан қолган қадим-қадим ҳунарларни бугунги истеъдоди ила уйғунлаштирмоқда.

Мухбиримиз.

ОИЛА, МАКТАБ, МАҲАЛЛА, ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ

ТАШКИЛ ЭТГАН ҲАЛҚА ИЧИДАГИ БОЛА ЖИНОЯТ ҚИЛМАЙДИ

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли таълим-тарбия масканларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар» ҳамда «Маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги» концепциялари талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия ишига ёндашилмоқда. Ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шароитлар яратиляпти. Бу усмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим восита ҳисобланади.

Халқ таълими бошқармаси муассасаларининг жамоалари кейинги йиллари «Жиноят кодекси», «Фуқаролик процессуал кодекси», «Ёшлар тўғрисидаги қонун» сингари ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга тўғри тадбиқ этиш борасида адлия, прокуратура, ёшлар «Камолот» жамғармаси ташкилотлари ва касаба уюшмалари билан ҳамкорликда кенг қуламли тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Ёш авлодни тарбиялашда «Маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги» концепцияси уз вақтида жойларга етказилган. Ҳамкорликни яхшилашда ота-оналар йиғилишлари, маҳалла фаоллари билан учрашувлар, «Оналик ва болаликни муҳофаза этиш», «Фарзанд бурчлари», «Қизларда одоб, ахлоқ, иффат тарбиясида оила роли», «Муаллимлар ўқувчиларга ўрнак бўлишлари керак», «Бизнинг оила» ва бошқа мавзуларда ўтказилган давра суҳбатлари самараси юқори бўлмоқда. Айниқса, Термиз ва Денов шаҳарлари, Олтинсой, Қизириқ, Шеробод, Узун, Сариосиё, Шурчи, Ангор, Термиз туманларида бу соҳада ибратли тажрибалар юзага келди.

Узун туманидаги ўқувчилар уйи ва техник ижодиёт марказининг зардўзлик, Жарқўрғон туман техник ижодиёт марказининг амалий санъат, Шеробод шаҳридаги ўқувчилар уйининг керамика тўгараклари фаолиятини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Маҳалла, мактаб, оила ҳамкорлигини яхшилаш борасида барча туман (шаҳар)ларда икки босқичда «Маҳалла—мактаб ҳамкорлиги» курик-танловлари ўтказилди. Бунда Термиз туманидаги «Мангузар» маҳалласи ҳамда 11, 14-мактаблар вилоятда биринчи, республика миқёсидаги шундай беллашувда ҳам фахрли ўринни эгалладилар. «Маҳалламиз болалари» телетанловида ҳам шу жамоалар қатнашишди.

Натижада кейинги уч йил мобайнида усмирлар ўртасидаги ноҳуя хатти-ҳаракатлар сони сезилари камайди. Жумладан, 1994 йилда усмирлар томонидан 186 та жиноят содир этилган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 112 тани ташкил этди ёки аввалги йилдагига нисбатан 17,7 фоизга камайган.

Халқ таълими соҳаси ходимлари ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб нотўғри йўлга кирган болаларнинг ота-оналари билан узвий алоқада бўлишиб, улар билан тушунтириш, ташвиқот, тарғибот ишларини кучайтирганлар. Музработ туманидаги 8-ҳунар билим юрти ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида ўзига хос тажриба бор. Мазкур масканда тарбияси оғир деб ҳисобланган ўқувчилар махсус ички ҳисобга олинади ва ҳар бирига қайд қилиш варақаси юритилади. Мураббийлар биркитилган муддат тугагач, усмир ҳисобдан чиқарилади ёки милиция ҳисобига қўйилади. Бундан ташқари фарзандлари тарбиясига салбий таъсир ўтказувчи 159 нафар ота-она аниқланиб, ички ишлар бўлими томонидан назоратга олинган. Кўп йиллардан буён ички ишлар бошқармаси ва уларнинг жойлардаги бўлимлари билан халқ таълими тизими ходимлари «Усмир» тадбирини ўтказяпти.

«Ота-оналарнинг ҳуқуқий лекторийлари», «Ота-оналар университети», «Ҳуқуқий билимлар» тўгараклари ўғил-қизларнинг мактабни ташлаб кетишининг олдини олишда асосий омиллардан биридир. Термиз ва Денов шаҳарлари, Узун, Сариосиё, Жарқўрғон, Бойсун, Ангор туманларидаги мактаблар мавзесида кечки пайтда ота-оналар, ўқитувчилар, ички ишлар ходимлари навбатчилиги ташкил этилган.

Барча умумтаълим мактабларида, лицей, интернат, гимназия, билим юртларида ҳуқуқшунослик фанлари ўқитиляпти. Дарслик, дастур ва ўқулбий адабиётлар тақсимот асосида жойларга етказилмоқда.

Аммо ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида ҳуқуқий таълимни яхшилаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўқулбий қўлланмалар, қўшимча дидактик, тарқатма, кўргазмали техник воситалар етишмайди. Шунингдек ўтган ўқув йилида ҳуқуқшунослик асослари бўйича барча дарсларни малакали мутахассислар ўтишига эришилмади.

Ҳуқуқшунослик асослари фани ўқитувчилари тайёрлашни қўпайтириш керак. Мазкур фанни ўқитишга адлия, прокуратура, суд, милиция ходимлари ҳамон камроқ жалб этилаётир. Ички ишлар бўлимлари ходимлари тарбияси оғир болаларни бирданига рўйхатга олмай, мактаб, маҳалла мутасаддилари билан маслаҳатлашишлари лозим. Бинобарин, маҳаллаларда шундай болалар билан шуғулланувчи махсус ходим бўлишини замон талаб этмоқда.

Хуллас, бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган муаммолар талайгина. Уларни фақат яхши йўлга қўйилган ҳамкорлик самаралари туфайли ҳал этиш мумкин.

Н. ТЎРАЕВ.
Сурхондарё вилояти.

«БЎЛАДИ»НИ БЎЛДИРИШ КЕРАК

(Боши 1-бетда)

лига тап-тайёр бўлади, деди. Бироқ, асослар кўрсатиб турибдики, бу бир ширин хаёл. Штаб бошлиғи М. Султонов бу лоқайдликни танқид қилди. Таъмирчилар сонини кўпайтиришни таъкидлади. Мавжуд муаммоларни ҳал этишни назорат қилиш капитал-қурилиш бошқармаси бошлиғи Р. Акрамовга топширилди.

Ўқув хоналарига ўтамиз. Бирорта синф кузимизга ярқ этиб ташланмади. Ҳали умуман таъмирлаш учун қўл текказилмаган хоналарга. Дарвоқе, буни директорнинг ўзи ҳам тан олди. Штаб бошлиғи Муртазо Султонов текшириш сўнгида хулоса қилиб шундай деди:

— Бўлади, бў

ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КУРАШНИНГ ЭНГ ҚИЗИҒИ

Айни кунда қизғин паллага кирган Атлантадаги олимпия ўйинлари иштирокчилари кескин курашлардан ўзларини ҳеч ким қўрқита олмаслигини қайта-қайта исбот қилишмоқда. Айниқса, боксчиларимизнинг шу дамларда «мушт»лари қаттиқ тугулди. Гарчи иккинчи босқичда Улуғбек Ибрагимов 52 кг вазнда германиялик Хустга 4:8, Темур Ибрагимов эса 81 кг вазн тоифасида хорватиялик Древикка 9:10 ҳисобида кутилмаганда ютқазиб қўйган бўлсалар-да, Дилшод Ёрбеков 75 кг вазнда чехиялик Плахеткони 5:4, Комил Тўлаганов 71 кг вазнда эфиопиялик Волдени 13:9 ҳисобда мағлубиятга учратиб, яна бир бор ўзларини «кўрсатиб» қўйишди. Уларнинг навбатдаги рақиблари ҳозирча маълум эмас.

***

АМЕРИКАНИНГ ОЛТИНЛАРИ

Инсоннинг келажагини, барибир ҳаётнинг ўзи белгилайди, асл моҳиятни кўрсатиб қўяверади. Шунинг учун кўпам қайғуравермаган, тушкунликка тушавермаган маъқулроққа ўхшайди. Мана, Атланта ўйинлари бошланиши биланоқ россиялик спортчилар «олтин»нинг асосий даъвогарлари ҳисобланишган эди. Лекин мезбонлар ҳам «бўш» келишни ўзларига эп кўришмади, чоғи. Қисқаси, ҳозир америкаликлар шу кунгача 45 (18 та олтин) медаль билан умумий ҳисобда илгарилаб кетишди. Россия вакиллари эса 30 (16 та олтин) медални қўлга киритиб, иккинчи бўлиб туришибди.

***

ТИНЧЛИККА НИМА ЕТСИН

Хабар беришларича, Олимпия паркида шанба куни кучли портлаш юз бериб, оқибатда бир киши ҳаётдан кўз юмган, 100 нафардан ортиқ одам тан жароҳати олган. Начора, қайғу ва қувонч ёнма-ён юради. Ўйинлар ҳануз жўшқинлик руҳида давом этмоқда. Ўзбекистонлик спортчиларнинг ҳаммаси соғ-омонлик билан мусобақаларда иштирок этишмоқда.

Олимжон ҲАЙИТ.

Хулласи...

ОЛТИННИНГ КУЧИ

Оренбург давлат университети абитуриентларни қабул қилишда юқори натижага эришди. Юридик факультетига 85 нафар олтин медал соҳиби ўз ҳужжатларини топширди. Факультетдаги ўрин эса фақат 80 та. Университет маъмурияти масалани ҳал қилди: улар орасида танлов ўтказилмайди, барчаси қабул қилинади.

Шундай қилиб, факультет қабул режасини ошириб бажарди. Бунинг устига истеъдодлар ҳисобига.

УРУШНИНГ БУГУНГИ ҚУРБОНИ

Калининград вилоятининг Красная Поляна поселкасида яшовчи 20 яшар ўсмир ўрмонда иккинчи жаҳон урушидан қолган снарядни топиб олди. Уйга келиб, болтаю болғани олиб, топилдиқни кавлашга тушди. Орадан бирор соат ўтиб, қаттиқ портлаш юз берди. Оғир аҳволда, кўплаб жароҳатлар билан қизиқувчан ўсмир вилоят касалхонасига ётқизилди.

АЙИҚ САҲНАГА ЧИҚДИ

Финляндиянинг Тампере шаҳрида қизиқ воқеа содир бўлди. Маҳаллий театрда спектакл кетаётган эди. Томошанинг бир жойида магнитофондан айиқнинг бўкириши қўйиб берилиши керак эди. Магнитофон тугмаси энди босилган эдики, бир маҳал саҳнага ҳақиқий айиқ бўкириб кириб келди. Аввалига, томошабинлар сценарийда ўзи шунақа бўлса керак, деб ўйлашган эди. Кейин эса...

Сўнгги пайтда Финляндияда айиқлар сони кўпайиб кетди. Уларнинг одамлар билан ушмундоқ дийдорлашуви ҳам ошиб бормоқда.

ПОЛИЦИЯЧИЛАР ХАТОСИ

Литва газеталарида икки полициячининг ўзга сайёраликларни кўришгани ҳақидаги хабар фуқароларни анча қизиқтириб қолди. Ҳатто хурсанд бўлишди ҳам. Ўзга сайёраликларнинг эътибори тушибдими, демак, Литвадан ҳам бир гап чиқади, дея ўйлашди. Бироқ уларнинг хурсандчилиги узоққа бормади. Чунки полициячилар осмонда илғаган нурлар Вильнюс дам олиш маркази томидаги кучли ёритиш асбобларининг ёруғи экан. Улар ҳатто 40 км узоқликдан ҳам жилваланиб тураркан.

ана шунақа гаплар.

МЕНИНГ ЎЛМАС ТУРОН ЮРТИМ

ÖZBEKISTON-VATANIM MANIM
QO'SHIQLAR KO'RIK-TANLOVI

Бошингда порлаган байроқ ҳурриятга нишон юртим,
Умид қилдинг етиб келди ажойиб ҳур замон юртим.
Қўлингга олиб эркингни севиндинг, сарбаланд бўлдинг,
Аҳил бўлди фарзандларинг ҳақиқат сен томон юртим.
Эрк қуёши чиқди балқиб, порлоқ йўлингни танладинг,
Шод дилингда ғурур қалқиб энди ўзликни англадинг.
Шуҳратинг тутди башарни биз учун болу қанд бўлдинг,
Толеингга кўз тегмасин, доимо бўл омон юртим.
Боғларинг бунча сулимдир фароғатга макон юртим,
Оллоҳ сенга омад берсин, жаҳон ичра жаҳон юртим.
Эришдинг сен истиқлолга Садоқат қўйлагай жўшиб,
Азалдан сен табарруксан, менинг ўлмас Турон юртим.

ТУРКИСТОН ДИЁРИМ

Ғурурим, сурурим — ўзлик ялласи,
Мадҳингни куйламоқ айни палласи.
Истиқлол бахш этган дўстлик қалъаси,
Мардларинг меҳридан обод Туркистон.

Туркистон диёрим-жаннат маконим,
Жаҳонга танилган шавкату шоним.
Муқаддас тупроғинг жону жаҳоним,
Шарқимда ягона бунёд Туркистон.

Боғларинг яшнатган ҳаволарингдан,
Юзларим силаган саболарингдан,
Ургилай дилрабо наволарингдан,
Таърифинг тилларда баёт Туркистон.

Соғлом авлодларинг кўзинг, қароғинг,
Тобора порласин ёққан чироғинг,
Садоқат кўрмасин заррача доғинг,
Доимо омон бўл озод Туркистон!

Садоқат (Садринисо ФАЙЗИЕВА),
Ховос тумани халқ таълими бўлими услубчиси.

Болалар жазирамада ҳам маза қилишади-да. С. МАҲКАМОВ сурат лавҳаси.

ТОНГ

Тонг пайти меҳр-ла боқсам ўлкамга,
Уйқудан уйғонган далалар гўзал.
Шу тонгда табассум қилган одамга,
Боқсам, кўзларидан ўқийман ғазал.

Тонгмикан одамни шодон уйғотган,
Ёки уйғотдими одам оламни?
Қутлайман дилимга меҳр қўзғаттан,
Кўнглимни забт этган ғолиб одамни!

Меҳр ва табассум бирга эш бўлиб,
Қўлимга тутқазди қоғоз, қаламни.
Табассум таралсин Ер шари бўйлаб,
Одамлар билмасин қайғу-ю ғамни!

***

Тун қўйнига шўнғиди орол,
Отиб оппоқ рўмолин нари.
Бир ғалаён ичра минг ҳаёл,
Етаклади сокин тун сари.
Жимирлайди ложувард осмон,
Мовий денгиз чайқалар беҳол.
Сенинг барқут тонгдай нурафшон,
Тунларингни севардим, Орол.

Исматулло УМАРОВ,
Каттақўрғон туманидаги 41-ўрта мактаб директори.

Мактабгача тарбия муассасаларида

«ГУЛШАН»НИНГ ШУҲРАТИ

Фотимахон Қодированинг мактабгача тарбия муассасаларида етакчи бўлиб ишлаётганига анча йиллар бўлди.

Бу аёлни нафақат Ҳартум қишлоғидаги «Гулшан» болалар боғчасида, балки Андижон тумани, қолаверса, вилоятимизда ҳам устоз-педагог, тарбиячи сифатида ҳамкасблари, шогирдлари ҳурмат қилишади.

Фотима ая раҳбарлик қилаётган боғчада 8 та гуруҳ мавжуд бўлиб, бир гуруҳда 25 тадан дўмбоқчалар бор. Шундан 2 та гуруҳ ясли ҳисобида, 2—3 ёшли болалар тарбияланади.

Боғчада тарбиявий ва бошқа барча ишлар қатъий режа асосида ташкил этилган. Бош методист Насибахон Аҳмедова барча гуруҳ тарбиячилари ўртасида ишни тўғри ташкил этганлигидан ҳар қайси гуруҳ турли-туман машғулотлар ўтказаётганининг устидан чиқдик. Тарбиячилардан Майрамхон Иброҳимова, Маҳфузахон Юсупова ва Муяссархон Тожиқуновалар ўзларига биркитилган бир-бирларидан ширин дилбандларга ғоят қизиқарли машғулотларни ўтказишади.

Қани ким чиройли сурат чиза олади?

— Мана бу тарелканинг нақши жуда жилоли. Болалар сиз ҳам уриниб кўринг-чи, чиза оласизларми?

— Қоғоз-қаламларингиз етарлими?

Тайёрлов группаси тарбиячиси Муқаддам Орипова расм машғулотида жажжиларга ана шундай топшириқ билан мурожаат қилди. Болалар ишга киришди. Суратни ҳар ким ҳар хил чизади, биров тез, биров секин, гап унда эмас, нақшлар чиройли, жонли чиқмоғи керак.

Ҳа, «Гулшан»да машғулотлар, кунлар шундай завқли ўтади. Боғча мудираси Фотима Қодирова эса болалар ташвишида елиб-югуради, қайғуради. Боғча саранжом-саришта ва тоза. Ҳар бир хонада грень, кактус, алоэ, фальма, традисскансия каби гуллар чиройли тувакларга жойлаштирилган, эстетик дид билан безатилган, деразаларга оқ-ҳарир пардалар тутилган. Умуман хоналардаги нафосат олами кишини мафтун этади. Музика раҳбари Нурали Ботиров навбатдаги машғулотни Муҳаббатхон Қосимова бошқараётган ўрта гуруҳ болаларига «Мустақил Ўзбекистоним» қўшиғини нота асосида ўргатаётир. Тажрибали ҳамшира Мушарраф Юсупова эса болалар сиҳат-аломатлиги учун ҳар дақиқа парвона бўлса, қўли ширин пазандалар Одинахон Расулова ва Муҳаббатхон Турғуновалар ҳар куни уч маҳал мазали таомлар тайёрлаб, болаларни хушнуд этмоқдалар.

— 1995 —96 ўқув йилида, — дейди мудира Ф. Қодирова, — тайёрлов гуруҳида 25 болани 1-ўрта мактабнинг 1-синфига ўтказдик, катта гуруҳлардаги мавжуд 160 нафар болалардан энг иқтидорли 40 нафар бола танлаб олиниб, улар билан алоҳида машғулотлар олиб бормоқдамиз.

Боғчада кундалик тартиб бор. Машғулотлар жадвал асосида эстетик тарбия, ифодали ўқиш, алифбе ўргатиш бўйича ўтказилади. Ўқитишда ва сўзлашда тўғри талаффуз қилишга, фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида математика, тез санашга ва инглиз тили фанларини ўргатишга эътибор қаратилмоқда. Ферузахон Ҳайитбоева ўз тажрибаси ва маҳоратини ишга солиб, болаларга инглиз тилидан сабоқ бермоқда.

Кичкинтойларга музика, касб танлаш, расм чизиш, араб тилини ўргатиш бўйича дастлабки кўникмалар ҳосил қилинди.

Бугунги кунда «Гулшан» жамоаси ибратли ишлари билан тумандагина эмас, вилоятда, ҳатто жумҳуриятда ҳам ҳурмат билан тилга олинади. Шу боис бу ерда кейинги йилларда 10 маротаба туман, 3 маротаба вилоят ва 1 маротаба республика миқёсида кўргазмали-услубий семинар йиғилишлари ўтказилди.

Жалолиддин ТУРДИЕВ,
Андижон туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Таъкид

АМЕРИКАЛИКЛАР СИГАРЕТНИ НЕГА «ҲАЙДАБ» ЧИҚИШГАН?

Бугунги кунда жаҳоннинг юзлаб ривожланган мамлакатларида ажал элчиси бўлган сигаретга қарши оммавий курашлар олиб борилмоқда. Яқиндагина Америкада сигеретга қарши чиқишларга бўлган тамаки компаниялар раҳбарларининг норозиликлари ҳақида ўқигандик. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари аҳолиси бугунга келиб тамакининг соғлиқ учун нақадар зарарли эканлигини англаб етдилар. Америкаликлар яқинда сигаретни «ойнаи жаҳонда» тақиқланганлигининг 20 йиллигини нишонлашса керак. Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади. Ўзимизда аҳвол қандай?

Дейлик, ишдан чарчаб уйга қайтдингиз. Бориб телевизорни ёқсангиз, «ҳақиқий шарқона лаззат—SARATON»ни тарғиб қилаётганига кўзингиз тушади. Кинонинг энг қизиқ жойига келганда қандайдир бир сайёҳ (хориж газетасининг ёзишича у рак касалидан вафот этган) мотоциклни миниб келиб, ҳаммага «LYCKY STRIKE»ни чекиб кўришни тавсия этади. Кашандаларга бу каби рекламалар хуш ёқиши мумкин. Лекин бошқаларнинг энсасини қотириши турган гап. Ваҳоланки биз соғлиқдан ҳам бошқа нарсаларни устун қўйиб, бориб уша—»Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлигингизга зарардир» деб катта-катта, лунда қилиб ёзиб қўйилган «заҳри қотил»ни сотиб оламиз. Борингки уша сигаретнинг пулига уйимизда ўтирган сингил, ука, ўғил-қизимизга ўйинчоқ ёки ҳақиқий шарқона лаззатларга йўғрилган конфет (аслида табиий меваларимиз конфетдан ҳам яхши) олиб борсак, уларнинг бошлари осмонга етмайдими?!

Бу «ойнаи жаҳон»да берилаётгани етмаётгандек, катта-катта хиёбонларимизга, баланд-баланд иморатларимизга, хуллас қаерга одамларнинг нигоҳи кўпроқ тушса, уша ерда рекламали кўргазмалари осиб қўймоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимизда соғлом авлод дастури амалга оширилаётган бир вақтда бизнинг бу ишларимиз эзгу ниятларимизнинг тескариси эмасмикин?! Ваҳоланки ҳақиқий соғлом авлод ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват бўлиши назарда тутилади. Сигаретанинг зарарлари ҳақида гапирмасак ҳам бугунги авлод жуда яхши билади. Аммо бу кони зарарнинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақидаги ривоятни эшитмаган бўлса эҳтимол.

Агар эшитганларида эди, айрим ашаддий кашандалар сал инсофга келиб, баъзи ҳаваскор чекувчилар бир оз ўйлаб кўриб, сигаретани оғизларига олишга ҳам жирканармидилар. Ривоятни эшитмаганлар учун келинг яхшиси уни айтиб берай.

Лаънатланган Фиръавн ҳақида эшитмаган киши бўлмаса керак. Уша Фиръавн Худо томонидан 600 йиллик умр кечириш шарафига муяссар бўлганидан сўнг ўзига худоликни даъво қила бошлабди. Ва унинг бу йўлдаги ҳаракатлари сизларга маълум. Аслини олганда, келтирилиши бўйича Худо инсонлардан фарқли уларок, пок ҳолда ейиш, ичиш ва шунга ўхшаш нарсалардан холи бўлмоғи даркор. Фиръавн ўз одамларидан юқоридаги ишларни яширар эди. Бир кун у ёлғиз ўтирганда аъёнлари кириб қолишади ва Фиръавн қалпоғини ахлати устига ёпишга улгуради. Шунда шубҳага тушган аъёнлар: «Бу нима?»—деб сўрашганда, у Худога ботинан нола қилди: «Эй Худо, шарманда қилма, ўзинг асра». Шундан сўнг қалпоғини кўтарди. Ва аъёнлар кўрдики, қалпоқ остида сербарг гул турарди. Улар хурсанд бўлиб кетганларидан ўз «Худо»ларининг бу гўзал қилиб «яратган» неъматини кўргач, қоғозга ураб, мақтаб-мақтаб чека бошлайдилар. Алқисса, тамаки шундан пайдо бўлиб, жуда кўп ўлкаларга тарқалиб кетган экан. Ана шунақа, Фиръавн Худонинг ғазабига учраб, бутун авлоди билан йўқ бўлиб кетган экану, бироқ ёмондан ёрти қолар экан. Яъни унинг меросидан ҳалигача одамлар «фойдаланишмоқда».

Хорижлик ишбилармонлар ўз сармояларини кўпайтириш йўлида биз билан бемалол қўшма сигарет ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишмоқда. Бунинг замирида жуда катта манфаат ётганига наҳотки бизнинг ақлимиз етмаётган бўлса?! Биринчидан, бойлик орттириш манфаати бўлса, иккинчидан, миллат миясини фалажлаш, уларни ўзларига «синдириб» қаратиб олиш ётибди. Қолаверса, америкаликлар нега ҳамма жойдан сигаретни «ҳайдаб» чиқишганди? Замон бугун ўйлаб иш юритишга, ҳар бир нарсага «етти ўлчаб, бир кес» қабилида қарашга ундамоқда.

Кўчаларда, хиёбону уриндиқларда ўтириб олиб, «мазза» қилиб ҳали она сути оғзидан кетмаган ёшларнинг сигарета бурқситиб ўтирганини кўриб, келажакни шу ёшлардан ҳам қизғангандек буласан. Ахир «соғ танда соғлом ақл» деб бежиз айтишмаган.

Ҳурматли муштарий! Эҳтимолки, мана шу мақолани ўқиб туриб ҳам сигарет тутатиб ўтирганларсиз. Менинг эса сизга дўст сифатида қулоғингизга шивирлайдиган гапим бор: «Азизим, чекиш соғлигингиз учун зарарлидир!».

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ,
Мирзо Улуғбек номли Тошкент давлат университети талабаси.

ЦИЦЕРОН ҲИКМАТЛАРИ

— Яхши нарса ҳурматга сазовордир, ҳурматга сазовор нарса ҳар доим яхшидир.

***

— Ҳар ким хато қилиши мумкин, фақат нодонгина ўз хатосини тан олмайди.

***

— Фақат ҳаракатгина эзгуликнинг қадр-қимматини белгилайди.

***

— Ўз бурчини бажаришдан мамнун одамгина эркин яшайди.

***

— Ақлли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, ақлни ишлата билиш керак.

***

— Ҳақиқий дўст бизнинг иккинчи «мен»имиз бўлиши керак.

***

— Кимки мард экан, у жасур ҳамдир.

***

— Қалам энг яхши муаллим, қаламдан чиққан нутқ ҳозиргина ўйланганидан кўра яхшироқ.

Мусоқул УСМОНОВ тўплаган.

Олтин ёз — ўтмоқда соз!

КЕНГГУЗАР ШАБАДАЛАРИ

Яккабоғ туманидаги Турнабулоқ дарёси лабида жойлашган оромгоҳ соя-салқин масканнинг эмас, балки боғ-мевазор. Олма, гилос, шафтоли, зардоли офтобда ялял товланади. Оромгоҳ йўлакчалари, ётоқхоналар атрофида анвойи гулларнинг ҳиди уфуриб турибди. Шовуллаб оқаётган дарё дарахтлар шоҳида хониш қилаётган булбуллар ва чўтурчиқлар овози билан ҳамоҳанг. Манзарани кузатиб тўймайсан, киши.

Ҳамроҳим — оромгоҳ директори Раҳматулла Баратов «Ҳа, оромгоҳнинг ўз тарихи» бор, деб гап бошлади. 1943 йил — иккинчи жаҳон урушининг қизғин палласида Йўлдош ота Охунбобоев Яккабоғ туманига ташриф буюриб, Кенгтузар боғига келдилар. Уруш даврида бу ерда ота-онасиз қолган болалар тарбияланар эди. Йўлдош ота болаларнинг ҳол-аҳволи билан танишгач, мазкур масканни кенгайтириш, ёшлар оромгоҳига айлантиришни маслаҳат бердилар».

Мана, Йўлдош ота асос солган оромгоҳ (у кишининг руҳлари шод бўлсин) Йўлдош Охунбобоев номи билан юритиб келинаётир. Оромгоҳда ҳар йили 1000 дан ортиқ ўқувчи мазмунли ҳордиқ чиқаради. Бу йил ҳам раҳбарларимиз болалар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида етарли миқдорда маблағ ажратдилар. Болалар иккинчи босқичда ҳам мароқли дам олишаётир. Янги типда қурилган 7 та ётоқхона, 300 ўринли ошхона, кутубхона, спорт майдони, тиббиёт пункти, сузиш ҳавзаси улар хизматида.

Оромгоҳ дам олувчилари мавсумда қўшни оромгоҳ болалари билан турли беллашувлар, спорт мусобақалари ўтказишаётир. Шунингдек, Яккабоғдаги ун, пахта тозалаш заводи, Китоб туманидаги Кенглик станцияси, Шаҳрисабз, Яккабоғ шаҳридаги тарихий обидалар, Амир Темур бўлган ва яшаган жойларга саёҳат қилиб, катта таассуротларга эга бўлишмоқда.

Оромгоҳда география-биология, гулчилик, футбол, волейбол, табиатни урганиш, ёш ҳаваскорлар тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Болалар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш, саёҳатлар ташкил этишда тарбиячи ҳамда етакчилар — Ҳусниддин Тураев, Мўътабар Поянова, Мухтар Хонназарова, мусиқа раҳбари Шокир Боймуродовларнинг хизматлари беқиёс.

Жорий йилда оромгоҳдаги барча анжомлар янгиланди, оромгоҳ бурчагида эртаклар шаҳарчаси ташкил этилди. Аргумоқ, айланма отлар ҳаракати ўрнатилди. Ёшлар учун «ойнаи жаҳон», кино, видеофильмлар ташкил этилган.

Ҳа, табиат яратган эртакладагидай гўзал бу оромгоҳда бўлган ҳар бир бола яна шу ерда дам олсам эди деб орзу қилади.

Хайрулла ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 12-ўрта мактаб томонидан 1988 йилда Шодмонов Озод Султонович номига берилган Д 456705 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Б. Турсунов номидаги 21-ўрта мактаб жамоаси шу мактаб директори ўринбосари Иззатулла Ёқубовга онаси Ҳамида ЁҚУБОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Асқар ШОКИР, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0381. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6